RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

2007 ЙИЛ 23 МАЙ, ЧОРШАНБА.

Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

21 (404)-сон Сотувда эркин нархда.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, маълумотномалар чоп этиш бўйича мамлакатимиздаги энг йирик корхона ҳисобланади.

Қарийб 35 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, бугунги кунда маҳсулот турлари ранг-баранг бўлган корхона, аввало, дарслик китоблари чоп этиш, республикамиз ҳудудида яшайдиган барча миллат тилларидаги умумтаълим мактабларини зарур ўқув қўлланмалари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Корхонадаги замонавий матбаа ускуналари маҳсулотларнинг замон талаблари даражасида тайёрланишининг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалари, бланкаларнинг юқори даражада баҳоланаётганлигида ишчи-хизматчиларнинг кўп йиллик тажрибаси, билимлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Фракция йиғилиши

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция, партия Марказий кенгаши аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни фракция раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси 2006 йил Давлат бюджети ижроси тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "2007 йил 1 чорагидаги ижроси тўғрисида"ги масалалар муҳокама қилинди. Бу тўғрисида депутат Абдурашид Тўхтабоевнинг ахбороти тингланди. Мазкур масала депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди ва маъқулланиб, парламент қуйи палатасининг ялпи мажлисига киритилишига розилик билдирилди.

Фракция аъзоларига "1999 йил 26 февралда Москва шаҳрида имзоланган Белорусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги фуқаролик олишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида"ги битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги Қонун лойиҳаси юзасидан депутат Сарвар Абдуллаев изоҳ берди. Мазкур масала ҳам депутатлар томонидан маъқулланди.

Фракция йиғилишида партия ҳаётига оид турли масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, партия ташкил этилганлигига 12 йил тўлиши муносабати билан уни нишонлаш куни белгиланди. Шунингдек, партия рамзий байроғининг намунавий нусхаси тасдиқланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Парламент ва ОАВ ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Қашқадарё вилоятидан сайланган депутатлар ва журналистлар қатнашдилар.

Давра суҳбатини Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х. Дўстмуҳамедов очиб, қашқадарёлик журналистларнинг парламентда депутатлар билан учрашиши эътиборга молик воқеа эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Руломов бу учрашув бежиз ўтказилмаётганлигини, хусусан, жорий йилда «Олтин қалам» мукофоти айнан «Қашқадарё» газетаси таҳририятига берилганлиги, парламент депутатлари билан журналистлар, айниқса, вилоятларда фаолият кўрсатаётган матбуот вакилларининг учрашуви ҳар томонлама фойдали бўлишини айтиб ўтди.

Қўмита раиси ўринбосари И. Соифназаров қўмитанинг вилоятларда фаолият юритаётган ОАВ вакиллари билан учрашуви анъанага кириб бораётганлигини ва бу учрашувлар ўз навбатида муҳим эканлигини қайд этиб, йиғилганларни парламент фаолияти билан таништирди. Шунингдек, парламент иши жойлардаги матбуот нашрларида қандай ёритилаётганлиги, хусусан, қонунларнинг ижроси, глобаллашув даврида танқидий материалларни қай тарзда бериш зарурлигига тўхталди.

Давра суҳбати эркин мулоқот тарзида ўтди. Кун тартибидаги масала юзасидан депутатлар Бобомурод Юсупов, Анвар Шукуров, Анора Бобомуродова, Тоҳир Шоймонов, Арслон Эшмуродов, Олимжон Ўсаров, Раъно Зариповалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

«Қашқадарё» газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшанов бундай учрашувни ташкил этганларга миннатдорчилик билдириб, келгусида бундай тадбирларни ўтказиб туриш қалам аҳли учун ҳам ҳар томонлама фойдали эканлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари М. Сафаева қатнашди.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

ШАРҚШУНОСЛАР САМАРҚАНДДА УЧРАШАДИ

Президентимизнинг 2006 йил 25 июлдаги «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори Самарқандда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширилишига туртки берди. Айни пайтда бу ерда қурилиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш, қадимий тарихий обидаларни аслиятига қайтариш кўлами қизғин давом этаётир.

Қарорда 2007 йилнинг май ойида «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий симпозиум ўтказиш назарда тутилган. Бўлажак анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети ва ЎзФА Археология институти масъул этиб белгиланган. Алишер Навоий номидаги СамДУ қошидаги «Юбилей тадбирлари маркази» эса барча юмушларни марказлаштиради. Халқаро анжуман шу йил 24-26 май кунлари ўтказилиши кўзда тутиляпти.

«Юбилей тадбирлари маркази» раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Темур ШИРИНОВ халқаро илмий симпозиумнинг ўтказилиши хусусида мухбиримиз саволларига батафсил жавоб қайтарди.

— ЮНЕСКО Бош конференцияси ўзининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шаҳри юбилейини нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилган ва анжуманда ушбу ташкилот вакилларининг ҳам иштирок этиши тўғрисида маълумот берилган. Самарқандга халқаро ҳамжамиятнинг яна бир бор эътибор қаратишига нималар сабаб бўлди?

— Ер юзининг сайқали бўлмиш қадим ва ҳамиша

(Давоми 2-бетда)

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказаётган «Жамият ва Мен» танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- энг яхши таҳлилий мақола;
- энг ўткир танқидий мақола;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг муфассал шарҳ;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида, «Жамият ва Мен» танловига» рукнида 2006 йилнинг 1 сентябридан 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» байрами арафасида аниқланиб, тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди га, 2007 йил 15 июнга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www.mmf.uz. e-mail:mmf@uzpak.uz.

Ташкилий қўмита.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Мардлар қўриқлайди Ватанни» мавзуида адабий кеча ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қизириқ туман кенгаши томонидан «Болалар бизнинг келажагимиз» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ҳамширалик касбим — фахрим менинг» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги — давр талаби» мавзуида семинар-тренинг ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Булунғур туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича спорт мусобақаси ўтказди.

* * *

Партиянинг Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан хотира тадбири уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан «Балоғатга етган қизларни оила муносабатларига тайёрлаш» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан «Хотира абадийдир» мавзуида учрашув ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Ангор туман кенгаши томонидан «Бугунги сиёсий жараёнда «Миллий тикланиш» партиясининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

ЕРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг навбатдаги мажлисида "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуннинг Андижон вилоятида бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Унда тегишли вазирлик, ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишни қўмита раиси Т. Каримов олиб борди.

Кун тартибидаги масала бўйича депутат О. Шариповнинг ахбороти тингланди. Таъкидландики, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда ва аҳоли турмуш тарзини яхшилашда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга. Ер ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг, саноатда эса хомашёнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу боис, оналаминимиздан самарали фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш учун кадастр маълумотларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти ва ундаги белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилиши ниҳоятда муҳимдир.

Қайд этилганидек, вилоятда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизими яратилган.

Вилоятда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши, майдонларнинг миқдори ва сифатининг ҳисобга олиниши, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек, ер кадастрига доир ахборотларнинг бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб турилиши бўйича муайян ишлар қилиняпти.

Лекин назорат-таҳлил натижалари қонун талабларини бажаришда ижобий ҳолатлар билан биргаликда, қатор муаммолар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди. Хусусан, вилоят ҳокимлиги томонидан қонунда белгиланган давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш борасида олиб борилаётган ишларни етарли деб бўлмайди. Ҳокимлик томонидан давлат ер кадастри юритилиши устидан етарлича назорат мавжуд эмаслиги ҳамда қонун ва тегишли қонуности ҳужжатлар ҳақида фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларига етарлича эътибор берилмаётганлиги натижасида айрим қонун бузилиши ҳолатлари келиб чиқмоқда.

Мажлисда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли вазирлик, ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш, жойларда қонуннинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги тўғрисида тавсиялар берилди ҳамда қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ШАРҚШУНОСЛАР САМАРҚАНДДА УЧРАШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

навқирон Самарқанд шаҳрининг бу қадар юксак эътиборга сазовор бўлишининг сабаблари, асослари кўп. Ўрта асрларда «Ғарбда — Рим, Шарқда — Самарқанд», деган машҳур ибора бўлган. Чунки Европа цивилизациясининг шаклланишида Рим қандай вазифани ўтаган бўлса, Шарқ-да, Марказий Осиё маданияти тарихида Самарқанд ана шундай аҳамият касб этган.

Самарқанд Римнинг тенгдоши, дунёнинг энг кекса шаҳарлари ҳисобланувчи Афина, Бобил, Фива, Эребуни шаҳарлари қаторидадир. Марказий Осиёда эса унга тенгдош бирон-бир бошқа шаҳар йўқ. Самарқанд тимсолида тарих ва ҳақиқат, афсона ва ривоятлар уйғунлашиб кетган. Алломалар қадимдан Самарқандни «Ер юзининг сайқали», «Ер юзининг чеҳраси», «Заминнинг нур таралиб турувчи нуқтаси», «Мусулмон дунёсининг гавҳари», «Жаннати — фирдавсмонанд шаҳар» деб улуғлашган. Бундай ёқимли таърифларнинг эса тарихий, ҳаётий асослари бор.

Аввало, «Самарқанд — Аллоҳнинг назари тушган шаҳар», дейилишини мушоҳада қилиб кўрайлик. Дарҳақиқат, Зарафшон воҳаси жуғрофий жиҳатдан Осиёда ўзига хос, бетакрор имкониятларга эга бўлган ҳудуддир. Унинг қулай иқлими, бой табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, суви, серунум замини, мавжуд захираларга эга эканлиги одамзотнинг ўтроқ яшаб қолиши учун жуда қулайдир. Шу боис, қадим аждодларимиз бу ерда муқим макон тутишган. Бундай ҳаёт тарзи эса, табиийки, шаҳар мақоми белгиларининг туғилиб, ривожланиб, такомиллашиб боришига асос бўлган. Ҳа, шунинг учун бу ерда ҳаёт жуда эрта бошланган. Бундан қарийб 20-25 минг йиллар муқаддам ибтидоий аждодлар шу ерда макон қурганлар. Бунга Самарқанднинг қоқ марказидаги ҳозирги «Ёшлар кўли» ёнидаги юқори тош даврига оид манзилгоҳ гувоҳлик бериб турибди. Айниқса, бу ердан ибтидоий одам — Homo Sapiensнинг жағ суяги топилганлиги диққатга молик. Бундан 5-6 минг йиллар муқаддам дастлаб ўтроқ деҳқончилик маданияти, бронзадан фойдаланиш шаклланган. Хуллас, уч асосий омил — табиий қулайлик, ўтроқ деҳқончилик маданияти, ҳадсиз металлургия базаларининг мавжудлиги воҳада урбанизация (шаҳарлашиш) жараёнининг милоддан аввалги X-VII асрлардаёқ бошланишига олиб келган. Бундай шаҳарлар эса ер юзида саноқлигина.

— Самарқанд тарихига ҳақиқат кўзи билан қараш қачондан ва қай тариқа бошланди? Унинг ёши қандай аниқланди?

— Самарқанд тарихига ва умуман, ўзбек давлатчилиги тарихига мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейингина тўғри нигоҳ ташлаш имконияти туғилди. Узоқ даврлар мобайнида бузилиб, камситишларга қоришиб келган ўтмишимиз Юртбошимиз жасорати, раҳнамолигида туҳматлардан тозаланди ва бу жараён давом этмоқда.



Президентимиз дастлабки кунларданоқ тарихчилар, археологлар ва барча сиёсатшунослар, олимлар олдига ўзимиздаги ҳамда хорижий мамлакатлардаги мавжуд манбалар асосида ҳаққоний тарихимизни яратиш мавзусини қўйган эди. 2003 йил октябрь ойида Самарқандга ташрифи чоғида ҳам у киши шаҳарнинг ёшини энг қадимги давр археологик манбалари асосида қайта кўриб чиқиш, асосли ҳужжатлар, далиллар тайёрлашни тайинлаганди. Шундан сўнг, Самарқанднинг ҳақиқий ёшини аниқлаш ҳаракати бошланди ва бу хайрли ишга қатор хайрихоҳ мамлакатларнинг йирик институтлари, олимлари, лабораториялари бош қўшди.

Бу масалада археология фанигина аниқ маълумотларни бериши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳозирги шаҳар ҳудудидан топилган Лолазор, Сартепа, Кўргонча манзилгоҳларида одамлар эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик бошларида яшаганлар. Бу жойларда ҳунармандчилик яхши ривожланган. Буни топилган, таҳлиллардан ўтказилган ашёлар яққол исботлаб турибди. Айнан ана шу манзилгоҳлар Самарқанд шаҳрининг пайдо бўлишига асос бўлган. Қадимги Самарқанднинг ўрни эса машҳур Сиёб бозори билан Сиёб дарёчасининг ўрталиғида бўлган. Яъни 219 гектар майдонда ястаниб ётган ҳозирги Афросиёб номи билан машҳур қўриқхона ўрнида бўлган. Афросиёб тепаликларининг тагидаги 30 метрга яқин маданий қатламлар миллатимиз тарихи, маданияти, санъати дурдоналарини ўз бағрида сақлаб келмоқда. Тепа қисмида мўғул вайроналари излари, ундан пастроқда қорахонийлар, сомонийлар даври, янада чуқуррокда араблар, туркийлар, кушонлар, юнонлар даврига оид ва бошқа тарихий маданий қатламларга дуч келасиз.

Афросиёб ҳаётининг энг қадимги даврлари шаҳарнинг шимолий томонидан топилган бўлиб, бу ерда эрамиздан олдинги VIII-VII асрларга оид мудофаа деворининг қолдиқлари очилди. Худди шу жойда шаҳар Аркининг қолдиқлари, яъни ҳарбий-маъмурий маркази топилди. Арк ҳар томондан баланд ва мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган экан.

Шаҳарнинг ёшини аниқлашда Афросиёбдан 25-30 км. шимолда жойлашган Кўктепа шаҳри харобаларидан топилган ашёлар муҳим илмий аҳамият касб этади. Кўктепада кенг кўламда қазишма ишлари олиб борилиб, мудофаа деворлари, монументал бино, ибодатхона қолдиқлари очилдики, унда ишлатилган гувала ғиштлар, деворларнинг тузилиши айнан Афросиёбникига ўхшаб кетади. Далилий ашёлардан кўринадики, Зарафшон воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиши милоддан аввалги VIII асрларга бориб тақалади. Буни физиканинг радиокарбон (С 14) тадқиқот усули аниқлай олади.

Хуллас, Афросиёбда мудофаа девори тагидан ва бошқа жойлардаги қуйи маданий қатламлардан олинган намуналар дунёда тан олинган Франция илмий тадқиқотлар Миллий марказига қарашли Жив-Сюр-Ивест шаҳридаги кучсиз радиоактивлик лабораториясида тадқиқ қилинди. Лаборатория тадқиқотларида ҳам намуналар 2750 йиллик қадимиятга тааллуқли эканлиги исбот топди. Шу тариқа дунё археологлари Самарқандниг Римга, афсонавий шоҳ Афросиёб — Алп Эр Тўнгага тенгдош эканини тан олишди.

— Эртага «Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий симпозиум бошланади. Газетхонларимиз ушбу нуфузли анжуман хусусида ҳам маълумотларга эга бўлишни исташади.

— Аввало, симпозиумга мамлакат миқёсида катта тайёргарлик кўрилганлигини айтиб ўтиш лозим. СамДУ «Юбилей тадбирлари маркази» аъзолари алоҳида ажратилган, жиҳозланган зал ва хоналарда иш олиб бормоқда. Симпозиумнинг кун тартиби, дастури ва 6 та секцияси, секция раислари, илмий котиблари аниқлаб олинган. Чет эл ва республикамиздан тушган тезис (ёки материал)лар секцияларга ажратиб бўлинди.

Халқаро симпозиумга оид сайт ишлаб турибди. Самарқанд тарихини ёритадиган манбалар ва адабиётлар, матбуот материаллари жамғармаси мавжуд. «Самарқанд шаҳрининг дунё цивилизацияси тарихида тутган ўрни» мавзуидаги академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» семинарининг 45-йиғилиши ўтказилди. Унда ЎзФА президенти Ш. Салихов семинарнинг Ўзбекистон тарихини ўрганишдаги ўрни, истиқболдаги вазифалари ҳақида гапириб, ушбу тадбир халқаро симпозиумга тайёргарлик босқичи сифатида муҳимлигини таъкидлади.

Симпозиум Регистон майдонида — Улуғбек мадрасасида 24 май куни тантанали тарзда очилади. Шу боис, ушбу ансамблда катта тайёргарлик ишлари кўрилди. Анжуманда республикамиздан ва Хитой, Россия, Австрия, Франция, Италия, Германия, Греция, Қозоғистон сингари кўплаб мамлакатлардан етакчи шарқшунослар, тарихчилар, археологлар иштирок этишмоқда. Шўъбаларда жами 150 дан зиёд маърузалар ўқилади.

Анжуман меҳмонлари Регистон меъморий мажмуаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Бибихоним ансамбли, Хўжа Дониёр мақбараси, Гўри Амир меъморий мажмуаси ҳақидаги ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланган буклетлар билан танишиш имкониятига эга бўлишади. «Самарқанд ҳақида...», «Самарқанд ҳақида ривоятлар», «Самарқанд» (тарихий маълумотнома), «Самарқандниг Амир Темур даврига бўлган қадимий манбалардаги тарихи» (рус тилида) сингари китоблар ҳам нашрдан чиқарилди. Бир сўз билан айтганда, халқаро симпозиумнинг юқори савияда ўтиши учун барча шароитлар яратилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, Самарқанд Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳар бўлиб, у милоддан аввалги мингинчи йиллардаёқ Шарқ ва Ғарб цивилизацияларини ўзаро боғлаб турувчи, уларга ҳамиша янги-янги жило, куч-қудрат, нафас ато этиб турган маскан бўлган.

Суҳбатимизни муҳтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрлари билан якунлашни лозим топган бўлардим: «Самарқанд диёри умумбашарият цивилизациясининг Рим сингари қадимий бешикларидан бири сифатида бутун ер юзида тан олиниши, унинг беқиёс табиати, кенг маънодаги унумдор замини, номлари жаҳон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган мумтоз зотларни бергани билан барчамиз чексиз фахрланамиз». Зеро, Юртбошимиз туйган фахр барчамизга хосдир.

Суҳбатдош: Ўктам ҚУРБОНОВ.

Партия ҳаёти

Юртимиз мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, иқтисодий ва сиёсий ҳаётни ҳамда давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш, суд ва ҳуқуқ тизимини либераллаштириш орқали кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари босқичма-босқич бориш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугунга келиб, мамлакатимизда икки палатали парламентнинг шаклланиши, жамиятда парламент амалиёти ва анъаналарининг янги босқичга кўтарилиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур жараёнларнинг субъекти сифатида 12 йилдан бери умуминсоний қадриятларни эъзозлаш, уларни такомиллаштириш, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, иззат-икром, аждодлар мероси, маърифат каби фазилатлар ва хислатлар билан боғлаб, мамлакатимизда яшовчи халқлар, миллатлар ва элатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоялари билан халқ ичига кириб бормоқда.

"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши юртимиздаги барча сиёсий партиялар қатори "Миллий тикланиш" демократик партияси зиммасига ҳам катта масъулият юклади.

Шу боис, партиянинг ташкилий тузилмалари ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, аъзолари сони ва бошқа партиявий масалалар бўйича жорий йилнинг апрель ойида Урганч шаҳрида партия Марказий кенгашининг сайёр Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юқорида номи зикр этилган Конституциявий қонундан келиб чиқадиган вазифалар, уларни амалга ошириш механизмини яратиш бўйича келишиб олинди. Бунга кўра, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жадаллаштириш мақсадида **"Энг яхши бошланғич партия ташкилоти", "Вилоятнинг энг фаол кенгаши"** ва **"Йилнинг энг яхши вилоят кенгаши"** бўйича танлов эълон қилинди. Танловни ўтказишдан мақсад "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, шу асосда ҳудудий ва маҳаллий партия кенгашлари ишини янада яхшилаш, партия фаолиятидаги тадрижий ўзгаришларни жадаллаштиришдир.

Танловдан кўзланган яна бир мақсад шуки, партия кенгашлари ўртасидаги узвий алоқани таъминлаш, аъзолар ва хайрихоҳлар сонини кўпайтириш, бир сўз билан айтганда, партиянинг ташкилий тузилмаларини мустаҳкамлашдир. Бу барча партия бўғинларидаги сифат ўзгаришларини таъминлаш, яъни узлуксиз ишлаш механизмини яратиш демакдир. Улар Марказий кенгаш — ҳудудий партия кенгашлари — туман ва шаҳар кенгашлари — бошланғич партия ташкилотларидир.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Наманган шаҳридаги 3-марказий поликлиникада бир кунда 220 нафар беморга хизмат кўрсатилади. Шифокор ва ҳамшираларининг муолажалари, ширин сўзлари, кўрсатаётган хизматларидан беморлар миннатдор.

СУРАТДА: ҳамшира Дилором МАМАДАЛИЕВА бемор соғлиғини кўздан кечирмоқда.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Молия тизими

БИРЖА УЛГУРЖИ БОЗОР

Биржа мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи улгуржи бозорнинг энг ривожланган шакли бўлиб, унда товарлар алмаштирилади, қимматбаҳо қоғозлар сотилади. Маблағ етказиб берувчининг эркин муомаладаги пул воситаларини сафарбар этиш ва уни қимматли қоғозлар олди-сотдиси орқали инвесторлашнинг энг муҳим иқтисодий омилларидан бири фонд биржаси ҳисобланади.

Фонд биржаси — қимматли қоғозларнинг харидори бир-бирини топадиган жойдир. У қимматли қоғозлар бозорининг асосий эмитенти ҳисобланади ва уни фонд бозори деб ҳам аташ мумкин. Энг муҳими, биржада турли хил қимматли қоғозлар сотилади. Қимматли қоғозлар сифатини текшириш учун биржада эксперт комиссияси мавжуд. У қимматли қоғоз сотувга қўйилиши мумкин, ёки йўқлигини ҳал қилади.

Фонд биржаларида савдолар амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида барча турдаги қимматли қоғозлар савдоси бажарилади. Тартиб бўйича ўтказиладиган савдода банклар, акционерлик жамиятлари акциялари, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар харид қилинади. Савдо бошлангунча қимматли қоғозлар курслари аниқ бўлади. Котировка комиссияси қимматли қоғозларнинг бирламчи курсини эълон қилади, кейин савдо жараёни шаклланади. Узлуксиз равишда аризалар солиштирилади ва улар мос келса, куннинг исталган вақтида битим тузилади.

Биржа савдоларига битим тузиш ҳуқуқига эга бўлган ва эга бўлмаган шахсларга ҳам рухсат этилади. Битим тузиш ҳуқуқига фақат биржа ходимлари ёки уларнинг ишонч қоғози бўйича фаолият кўрсатувчи вакиллари эга бўлади. Битим тузиш ҳуқуқисиз биржа ходимларига, назорат қилувчи органнинг вакилларига савдо қилиш рухсат этилади.

Фонд биржасида хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг қимматли қоғозлари билан савдолар кимошди савдоси шаклида электрон усул билан амалга оширилади. Электрон савдо тизимидаги барча операциялар биржанинг савдо залида ва унинг минтақавий бўлимларида жойлашган биржа савдоси электрон тизимининг барча терминларидан (компьютерлардан) фойдаланилган ҳолда аниқ вақтда ўтказилади. Брокерлар савдо тизимига киришда тенг ҳуқуқга эга. Брокерлик идорасининг ҳар бир вакилига алоҳида терминал белгиланган бўлиб, унинг ёрдамида қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича битимлар тузилади ва улар расмийлаштирилади. Уларга биржанинг маълумотлар базасида мавжуд бўлган эмитентлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Агар брокерлик идорасининг вакиллари тизимга кириш учун рухсатномага эга бўлмаса, брокерлик идораси бевосита савдо залида иштирок этаётган биржанинг мутахассиси орқали савдо қилиши мумкин.

Нодира ЗИЁДУЛЛАЕВА, Тошкент молия институти талабаси.

МАРКАЗДА ЯНГИ КУТУБХОНА

Пойтахтимизда фаолият юритаётган Интеллектуал лойиҳалар маркази турли мавзулардаги адабиётлар билан бойитилган кутубхонага эга. Бундан ташқари, яқинда Ресурс ва тараққиёт маркази ташкил этилди.

У турли хилдаги адабиётлар билан бойитилган бўлиб, бу ерда инглиз тилини ўрганишга тааллуқли бўлган китоблар, аудио ва видеотасмалар ҳатто, газеталарни ҳам топиш мумкин. Бундан ташқари чет тилида бемалол сўзлаша оладиган мутахассислар ташриф буюрувчиларга кўмак беришдан мамнун.

— Ходимларимиз илм олиш учун энг муҳим манбаларни танлашда ва улардан самарали фойдаланишда ўз кўрсатмаларини берадилар, — дейди марказ раҳбари Абдулазиз Дадахонов. — Тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни хоҳловчилар бизнинг кутубхонага аъзо бўлишлари ҳам мумкин. Шунда улар ўзларига керакли маълумотларни билиб оладилар.

Марказга 14 ёшдан юқори китобсеварлар аъзо бўла оладилар. Аъзолик карточкаси олиб кутубхона ичидаги манбалардан фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари, китоблар, аудио ва видео тасмаларни уйда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритасиз. Шу билан бирга муҳокама клубларида бўлиб ўтадиган китобхонлик тадбирларида ҳам қатнаша оласиз. Бошқа кутубхоналардан бу ернинг афзаллиги шундаки, 2000 дан ортиқ китоб ва турли адабиётлар билан бойитилган марказ замонавий техника билан жиҳозланган.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи. Азамат АҲМАД олган сурат.

Вилоят кенгашларида

«Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти пойтахт вилояти филиали, ЎзМТДП Пскент тумани кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон ёшларининг сиёсий онгини оширишда сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, фаол ёшлар иштирок этишди.

«МЕН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА АЪЗО БЎЛАМАН»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Шарифа Салимова бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг онги ва туйғуларини Ватанга муҳаббат, унинг истиқболи учун қайғуриш, жонбозлик кўрсатишга сафарбар этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, ёшлик умрнинг энг гўзал ва навқирон даври. Унинг кучи, лаёқати Ватан манфаати билан чамбарчас боғлансагина истиқболли режалар самарасидан қувониш мумкин бўлади. Бу борада ҳамма вақт ҳушёр бўлиш, кучларни бирлаштириш, ёшларнинг ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашиш зарур.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали раҳбари Баҳодир Тоғаев ўз сўзида фуқаролик жамиятини қуришда демократик ислоҳотлар йўлидан бораётган мамлакатимиз фуқаролари, айниқса, ёшларнинг сиёсий мафкураси, онгини ошириш ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаётганлигига эътиборни қаратди. Бу соҳада ёшларимизни ёт ғоялардан асрашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тошкент вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раиси Мунира Қориева мамлакатимизда аёлларга, хусусан, оналарга берилаётган эътибор хусусида тўхталди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, тадбиркорлик соҳасидаги ўзгаришлар тараққиёт омили бўлмоқда, деди нотиқ. Бу борада аёллар, хотин-қизлар фаоллиги ҳам сезиларли бўлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бироқ ҳар қандай оилада мўътабар зот — онанинг комила, зукко, оқила бўлиши фарзанд тарбиясига эътибори, жонкуярлиги билан баҳоланиши зарур. Бу мезон бизнинг азалий қадриятларимиз ва бугунги кунимиз мазмунига ҳам тегишлидир.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент вилояти филиали катта илмий ходими Замира Тошева ёшларнинг сиёсий ва маънавий савиясини оширишда бугунги кунда ННТлар фаолияти тўғрисидаги ёшларнинг фикрлари, жойларда улар ўртасидаги муаммоларни ҳал қилишда сиёсий партиялар, ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Партия Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти»нинг етакчиси Акмал Рўзитоев ҳозир Ватанимиз ёшлари, уларнинг билими, куч-ғайратлари ҳамда ташаббусларини бирлаштириб, халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилаётганлиги, «Устоз — отангдек улуғ» деб ном олган умуммиллий ҳаракат дастурлари орқали амалга ошириб келинаётганлиги ва бу борада партия Марказий кенгаши «Ёшлар қаноти» томонидан таълим масканларида ёшлар орасида турли тадбирлар, учрашувлар, илмий-амалий семинарлар ўтказилаётганлиги ҳамда Тошкент вилояти кенгаши биринчи ўринни эгаллаб келаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида жонли мулоқотдан тўлқинланган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, шоира Шарифа Салимова «Ватан» шеърини ўқиб берди. Бундан ёшлар «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳақида қандай таассуротга эга бўлганликларини ҳаяжон билан ифода этдилар. Жумладан, Пскент тумани 7-лицей ўқувчиси Хуршида Маматова ўз миннатдорчилигини қуйидаги сўзлари билан ифода этди:

«Мен сизлардан жуда миннатдорман! Шарифа опа Салимованинг «Ватан» шеъри, Ватанимиз ҳақида ёниб гапирган гапларидан жуда катта таассурот олдим. Бугундан эътиборан, энди менинг ҳам олдимда мақсадим бор. Мен ҳам энди сиз каби Ватаним учун керакли фарзанд бўлишга жону дилим билан ҳаракат қиламан ва «Миллий тикланиш» партиясининг аъзоси бўлишни ўз олдимга мақсад ва ният қилиб олдим!»

Тадбир қизғин баҳс-мунозаралар тарзида ўтди. Унинг сўнгида партия сафига янги аъзолар қабул қилинди ва уларга Тошкент вилояти кенгаши томонидан совғалар топширилди.

Доно АҲМЕДОВА, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ходими.

Миллий дастур — амалда

Ўзбекистон — муқаддас замин. Бу юрт азиз авлиё, ҳакиму фузало, олиму донишманд, жаҳонгиру ҳукамоларга бешик бўлган. Шу тупроқ неъматларидан баҳра олиб улғайган зот борки, улар қалбида энг аввало эзгулик уруғлари ниш отади. Ҳа, бу шунчаки ҳавойи гап эмас. Ахир, дунё тамаддунига дастлабки тамал тошини қўйган олимларнинг аксарияти айнан бизнинг Ватанда камол топганлиги маълум-ку! Бинобарин, аждодлари қолдирган маънавий меросни авайлаб-асраш, уларни замон тараққиёти асосида юксалтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ёшларимиз чуқур илм олиш ва керакли ҳунарни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Буни Қарши шаҳридаги маданият коллежида ҳам кўриш мумкин.

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ДАРГОҲИ

Қарши маданият коллежида ёшлар маънавиятига алоҳида эътибор бериляпти

Махсус мухбиримиз ўқув юртида олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари билан танишиб, унинг директори Абдурахмон БЕРДИЕВга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Ростини айтсам, ўқув хоналарини кўриб, замонавий асбоб-ускуналарга қараб, ҳавасим келди. Таълим ислоҳотларини қай тариқа амалга оширилаётганлиги бизни қизиқтиради. Айтинг-чи, ишни нимадан бошлашга тўғри келди?

— Билим юртимиз дастлаб 1968 йилда маданият техникуми сифатида ташкил топган. Мустақилликдан сўнг 1999 йилда эса коллежга айлантирилди. Шундан кейин зиё маскани замонавий талаблар асосида техник ускуналар, ихтисосликка тўлиқ жавоб бера оладиган зарур қўлланмалар билан қайта жиҳозланди. Айни пайтда тажрибали, ўз касбининг моҳир устаси бўлган мураббий ва тарбиячилар ишга қабул қилинди. Уларнинг 32 нафари олий тоифали ўқитувчи ҳисобланади. Бу ерда 5 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 2 нафар Республика Бадиий академияси аъзоси, 3 нафар фан номзоди, бир неча касб-ҳунар ва халқ таълими аълочилари меҳнат қилишади. Улар орасида "Шуҳрат" медали совриндори ҳам бор. Кўриниб турибдики, ёшларни ҳар томонлама камол топиши учун ҳеч бир истисносиз барча қўлайлик ва имкониятлар мавжуд.

— Талабалар ўқув даргоҳида олган назарий билимларини амалда синаб кўришаяптими?

— Албатта, амалиётда синаб кўрилмаган билим фойдасиздир. Тўғриси, назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамламасак, вақтни бекуда ўтказган бўламиз. Бунга эса асло ҳаққимиз йўқ. Ўқувчилар маънавий камолоти учун ихтисослик кўникмаларини шакллантириш шарт қилиб қўйилган. Шу боис кенг қамровли тадбирлар тез-тез ўтказилиб келинмоқда. Бу эса иштирокчиларнинг нафақат малакаси, балки илм олишга бўлган қизиқиш ва иштиёқининг янада ошишига сабаб бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишга астойдил интилмоқда. Инчунун, фуқаролик жамиятини барпо этишда, ҳуқуқий-демократик давлатни вужудга келтиришда йигит-қизларимиз фақатгина чуқур билимга эга бўлиб қолмасдан, балки мамлакатимиз ривожини таъминлай оладиган мутахассисликни пухта ўзлаштиришлари ҳам керак. Уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш орқали ўз халқига чексиз меҳр-муҳаббат ила сидқидилдан хизмат қилиш ҳиссиётини мустаҳкамлашини истаймиз. Бу борада талай ишларни амалга оширдик. Чунончи, "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танлови, атоқли адиб ва шоирларимиз ижодига бағишланган қизиқарли давра суҳбатлари, иқтидорли ёшлар ўртасида аниқ фанлар бўйича баҳсталаб кечалар уюштириб турамиз.

— Ҳозиргина ёшларимизнинг маънавий камолоти хусусида гап очдингиз. Бунга қандай эришилаяпти?

— Аввало, шуни айтиш лозимки, бизда аниқ режа асосида иш юритилади. Шунга мувофиқ бир қанча ихтисосликлар бўйича тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, Одилжон Исмоилов раҳбарлик қилаётган "Анъанавий ижрочилик", бастакор Қўчқор Дўстмуродов етакчилигидаги "Яккахон қўшиқ, миллий чолғу асбоблари асосида ансамбларни ташкиллаштириш", Бекач Беканжиева бошқараётган "Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси", Файзулла Жўраев бошчилигидаги маданий-маърифий ишлар машғулотларининг самарадорлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бунда ўқитувчиларимиз томонидан яратилган янги ўқув-услубий қўлланмалар, махсус дарсликлар асқотаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Фаол талабаларимиз вақтли матбуотларда тез-тез чиқиш қилиб туришибди.

Маънавий камолот нафақат чуқур илмли бўлишни, мутахассисликни пухта ўрганишни, балки соғлом авлодни вояга етказишни ҳам талаб қилади. Шунинг учун ёшларимизнинг жисмонан бақувват бўлиб ўсишларига алоҳида эътибор бераяпмиз. Бу соҳада Баҳриддин Раҳмонов, Рустам Эшмуродов, Ғайрат Соатов, Самад Бердиев, Исмигул Ражабова сингари мураббийларнинг хизматлари катта бўлаётир.

— Талабаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолигини яна қайси жабҳаларда кўриш мумкин?

— Халқимизда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, деган гап бор. Руҳан тетик, юксак маънавиятли, соғлом ва келажакка қатъий ишонч билан интилувчи ҳамда кенг билимга эга бўлган устозларгина олдига қўйилган масъулиятли вазифани уддалаши мумкин. Фақат шундайлар ҳар жиҳатдан ўқувчиларга ибрат бўла олишади. Билим юртида бундай ўқитувчилар кўп. Масалан, Нормурод ака Ражабовнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Унга кўмакдош бўлган Воҳид Ражабов ҳамда, Фахриддин Умаров сингари устозлар барчага намуна бўлишяпти.

Коллежимизда элимизга муносиб фарзандлар улғаяётганлигидан мамнунмиз. Андижонда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида ўқувчи Раҳим Рўзиев 100 метрга югуриш бўйича ғолибликни қўлга киритиб, олтин медални олишга муваффақ бўлди. "Келажак овози" республика кўрик-танловида иштирок этган Ориф Хидиров эса совриндор бўлди. "Ўзбекистон — ёш рассомлар нигоҳида" кўригида Рўзигул Темирова иккинчи, "Ёш истеъмолчи — 2007" танловида Низомиддин Умиров биринчи ўринни банд этди. Информатикадан Суҳроб Абдурахмонов, кимёдан Моҳичеҳра Худойназарова, математикадан Жамила Шодиевалар энг юқори поғонани эгаллашди. Шунингдек, илмга чанқоқ ёшларимиз "Ўйла, изла, топ" ёки "7х7" интеллектуал телевизион ўйинларида "Нахшоб" номи билан мунтазам қатнашиб туришади. Бу йил улар республикада фахрли учинчи ўринга чиқишди. Бундан ташқари, болалар кучи билан ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан хайрли тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Масалан, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларига 50 минг, "Беклар" маҳалласидаги ночор кишиларга 610 минг, Хотира ва қадрлаш кунида эса Қарши шаҳрида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларига қирқ минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ўқувчиларнинг яхши таҳсил олишлари учун яна қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Албатта, ёшларнинг чуқур илм олишлари учун кенг имкониятлардан ташқари, уларга қулай шарт-шароитларни ҳам яратиб бериш керак. Яқинда 100 ўринга мўлжалланган икки қаватли талабалар турар-жойи барпо этилди. Узоқ қишлоқлардан келиб ўқиётган ёшлар ўша ерда яшашяпти. Унда маънавият ва маърифат хонаси мавжуд. Керакли адабиётлар, рўзнома ва ойномалар бор. Бу йил коллежимиз 35 номдаги газета, 12 номдаги журналга обуна бўлган. Қисқаси, маънавий камолотга эришишда нимаики зарур бўлса, уларни муҳайё этганмиз. Мақсадимиз — эртага жамиятимиз равнақини таъмин этувчи ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис қилиб тарбиялашдир. Бинобарин, бу йўлда бор имконият ва иқтидорни ишга солиб, шижоат билан меҳнат қилишни ўзимизнинг касбий бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Суҳбатдош: Эминжон ЮЛДОШЕВ.

Тошкент — Ислом маданияти пойтахти

ТАРИХИЙ ВОҚЕАГА БАҒИШЛАНДИ

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — Ислом конференцияси ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрига Ислом маданияти пойтахти мақоми берилиши муносабати билан жойларда йиғилишлар, анжуманлар ўтказилмоқда.



Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Китоб туманидаги Хожа Бухорий номли ислом билим юртининг ташаббуси билан ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам шу тарихий воқеага бағишланди.

Тадбирда Китоб тумани ҳокими Л. Ғаффоров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдураззоқ Юнусов, исломшунос тадқиқотчи Элдор Иброҳимов сўзга чиқиб, диёримиздан етишиб чиққан, ислом оламида катта нуфузга эга бўлган алломалар, улар қолдирган бебаҳо мерос, мустақиллик йилларида мамлакатимизда диний масалаларда амалга оширилган улкан ишлар ҳақида гапириб, Тошкентга бундай юксак мақом берилишида бу омилларнинг аҳамиятига алоҳида тўхталдилар. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси директори, тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг маърузаси ислом маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган насафлик ва кешлик алломаларнинг ҳаёти ҳамда меросларини ўрганиш долзарблиги ҳақида бўлди. Бу борада Қарши давлат университети қошида «Насафийлар ва кешийлар меросини ўрганиш илмий маркази»нинг ташкил этилганлиги айни муддао бўлгани, эндиги асосий вазифа эса марказнинг фаолиятини кучайтириш эканлигига тўхталди.

Анжуманда Қашқадарё вилоят ҳокими Н. Зайниев қатнашиб, илмий-маънавий, маърифий соҳаларда вилоятда амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сўзлади.

Дилбар УБАЙДУЛЛАЕВА, Тошкент ислом университети талабаси.

Қарор ва ижро

МИЖОЗ БАНК УЧУН ЭМАС, БАНК МИЖОЗ УЧУН

— дейди «Саноатқурилишбанк»нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошқарувчиси Тонготар Толепов



"Саноатқурилишбанк"нинг тизимида бугун "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шиори ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Юртимиз равнақи, Ватанимиз тараққиёти йўлида мижозларга сидқидилдан хизмат қилишдек олижаноб мақсадларни кўзлаган молиявий муассасанинг кўп минг кишилик жамоаси учун бу албатта, юксак шараф ва катта масъулият ҳамдир. Банкнинг Қорақалпоғистон минтақавий филиалида ҳам кейинги пайтда мижозларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш юзасидан муҳим ишлар қилинмоқда. Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиқиб белгилаб берилган вазифаларни изчил амалга оширмоқда. Банк ўз молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш билан биргаликда асосий кўрсаткичларнинг ўсишига ҳам эришаяпти. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб, кўзланган режаларни пухта адо этмоқда.

— Ўз ишини битириб, муаммосини ҳал этган мижозларимизнинг бир оғиз ширин сўзию, раҳмати бизга рағбат бағишлайди, — дейди минтақавий филиал бошқарувчиси Тонготар Толепов. — Саъй-ҳаракатларимиз яхши самара бераётганидан қувонамиз. Эл раҳмати бизнинг меҳнатимизга берилган баҳодир.

— Бугун минтақавий филиал тасарруфида 2 та филиал, 7 та мини банк, 3 та амалиёт ва 11 та жамғарма кассаси, 7 та валюта айирбошлаш шахобчаси фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга коммунал тўловларни қабул қилиб олувчи тўртта махсус ва учта жамғарма кассаси мавжуд.

Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳар доимгидек жамоа фаолиятининг устувор йўналишига айланган. Кредит маблағларининг катта қисми шу соҳага йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра минтақавий филиалнинг кредит қўйилмалари 8 миллиард 344 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 миллиард сўм ёки 36 фоиз ўсишга эришилди. Мижозларга 1 миллиард 588 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Кредит бўлими бошлиғи Бекбўсин Султонмуродов таъкидлаганидек, банк мутахассислари кичик бизнес корхоналарини кредитлашга ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни фаол амалга ошириб келмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 395 миллион сўм, шу жумладан, инвестицион лойиҳаларга 268 миллион сўм ва микрокредитларга 127 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 140 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмаларининг қолдиғи 1,8 миллиард сўмни ташкил қилди.

Молиявий муассасанинг бевосита молиявий кўмаги билан ўтган йили Кўнғирот сода заводи қурилиши ниҳоясига етказилди ва август ойида биринчи маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорда қандай харидоргир бўлса, хорижда ҳам унга талабгор кўп. Кўнғирот сода заводи республикамиз иқтисодиётининг фахридир.

"Нукус табак" масъулияти чекланган жамияти ҳам молиявий муассасанинг мижози ҳисобланади. Унга 12 миллион сўм миқдорида полиграфия маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга мўлжалланган "Ромаер 413" дастгоҳини сотиб олиш учун уч йил муддатга кредит ажратилди. Бунинг эвазига жамият имкониятини яхшилаб олди. Қўшимча олтита янги иш ўрнига эга бўлди. Жамоа айни пайтда матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Мактаб ўқувчилари учун дафтар, идора ва ташкилотлар учун иш юритиш журнали, шу билан биргаликда бошқа харидоргир маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бермоқда. Нукус шаҳридаги "Тадбиркорхизмат" кичик корхонасига кийимларни кимёвий усулда тозалаш цехини ташкил этиш мақсадида уч йил муддатга ажратилган 48 миллион сўм миқдоридаги маблағ ҳам ўз самарасини бермоқда. Бир кунда 60 та кийимни тозалаб бериш қувватига эга бўлган жамоанинг хизмати элга манзур бўляпти. Ахир, кичик корхона бутун шаҳарда катта эҳтиёж сезилаётган, аммо ҳали бирорта ҳам тадбиркорнинг хаёлига келмаган ишни йўлга қўйди. Цехга 12 нафар ишчи меҳрини, қалб қўрини бағишлади. "Эльдар — Сардар" хусусий фирмаси жамоаси ҳам бугун минтақавий филиал ходимларидан мамнун. Жамоанинг печенье маҳсулотлари ишлаб чиқариш орзуси шу банк орқали рўёбга чиқди. Уч йил муддатга 40 миллион сўм кредит олган фирма печенье маҳсулотлари тайёрловчи замонавий ускуналарни сотиб олди. Унда айни пайтда 5 нафар маҳаллий ёш самарали меҳнат қилмоқда.

Молиявий муассасанинг пул маблағларини оператив бошқаришга, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказишга, ўз навбатида вақтни тежашга хизмат қилувчи "Мини банк" дастурининг самарали фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг таркибидаги еттита мини банк Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ иш юритиб, 158 та қишлоқ хўжалик корхонасига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мини банклар томонидан фермер хўжаликларига шу йилнинг биринчи чораги давомида пахта ва ғалла етиштириш учун 167 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилганлиги фикримизнинг исботидир.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтган йили банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 192 нафар мижозга қорамол ва соғин сигир олиш учун 150 миллион сўмлик микрокредитлар, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 95 нафар мижозга 162 бош қорамол ва соғин сигир сотиб олиш учун 57 миллион сўмлик микрокредитлар ажратилди. Жорий йилнинг 1 чораги давомида эса банк ўз маблағи ҳисобидан 72 нафар мижозга 100 бош қорамол ва соғин сигир сотиб олиши учун 65,1 миллион сўм миқдорида микрокредитлар, бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса 6 нафар мижозга қорамол ва сигир сотиб олиши учун 3,8 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратди.

— Шуни алоҳида эътироф этмоқ жоизки, мамлакатимиз раҳбарининг мазкур Қарори халқимизнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга ҳисса қўшмоқда, — дейди минтақавий филиал бошқарувчиси Тонготар Толепов. — Масалан, "Қизилқум" фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Куандик Сувановнинг оиласи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила ҳисобланади. Уйдагиларнинг бирортаси ҳам ҳеч қаерда ишламайди. 4 нафар ўғли мактабда ўқийди. Унга 950 минг сўм кредит ажратганимиздан кейин хонадонга қут-барака кирди. Сигир сотиб олиб, оила чорвасини йўлга қўйди. Отасининг ёнига кирган фарзандлари ҳозир сигирни боқиб, бузоқни меҳр билан парвариш қилишмоқда. Дастурхонларидан сут, қатиқ аримаяпти.

— Бизда "CONTACT", "MIGOM", "INTEREXPRESS" ҳалқаро пул ўтказиш тизими жорий этилган, — дейди минтақавий филиал бошқарувчиси ўринбосари Эрпўлат Абибуллаев. — Улар орқали дунёнинг исталган жойига саноқли дақиқада пул ўтказиш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1501 нафар мижознинг чет эллардан ўтказган пули келиб тушди ва 83 нафар мижоздан чет элларга пул ўтказмалари амалга оширилди. Аҳоли омонатлари қолдиғи йилнинг биринчи чораги ҳолатига 3 миллиард 902 миллион сўмни ташкил қилди. Омонатчиларимиз сони эса салкам 56 минг нафарга етди.

Президентимизнинг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ минтақавий филиал 79 та терминал ва 1 та банкомат ўрнатди. Улар темир йўл ва авиакассани, автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаларини, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларини, умумий овқатланиш корхоналарини, алоқа бўлимларини қамраб олган. Банк жамғарма кассаларининг ўзида ҳам 11 та терминал ўрнатилган. Шунингдек, минтақавий филиал ва унинг тасарруфидаги шохобчаларда пластик карточкалар орқали тўловларни амалга оширишни жорий қилиш ва янада кенгайтириш режалаштирилмоқда. Чунки бу қулай усул кўпчиликка қўл келаяпти.

Молиявий муасссаса хизмат кўрсатаётган мижозлар сони бугун 1628 нафарга етган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда бу 263 та кўпдир. Мижозлар орасида "Ўзнефтьгаз" миллий холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго" ва "Ўзкимёсаноат" компаниялари корхоналари ҳам бор. Мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида жамоа яқинда Кўнғирот сода заводининг ёнида мини банк очди. Бу ерда банк операцияларини билан бирга бошқа тўловлар ҳам бемалол амалга оширилмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.
СУРАТЛАРДА: жамоа фаолиятидан лавҳалар. ®

Мулоҳаза

«МАЛИКА» БЎЛОЛМАГАН ҚИЗЛАР

ёхуд битирув оқшоми арафасидаги воқеа

Икки қизи дарвозадан очилиб-сочилиб кириб келганлигини кўриб, Назокат опанинг чеҳраси ёришди. Санобар қўлидаги каттакон целлофан халтани айвондаги супага қўйди-да келиб, онасини "ачом"лаб олди.

— Раҳмат сизга, аяжон. Шундай антиқасини олдикки, кўрсангиз ёқа ушлайсиз. Ўзиям ижарахонада бунақаси битта қолган экан. Юринг, томоша қиласиз. Севар, кўйлакни чиқар!

Севара оппоқ кўйлакни илгичи билан кўтариб бўйига мослади.

— Вой-вуй! Бунча зўр!

Назокат опа кўйлакнинг заррин ҳошияларини авайлабгина силади, ялтироқ мунчоқларидан кўзини узолмай қолди. Айниқса, кўкрак қисмига қўндирилган "оқ атиргул" янада ажойиб чиққанди.

— Ишқилиб, мен берган пул етдими? — сўради у қизларидан.

— Ўзимиз ҳам йиғиб юрганимизни қўшдик. Энг асосийси, кўйлак худди орзу қилганимиздек. Яна бир марта раҳмат сизга, аяжон!

Назокат опа ич-ичдан севинди. Ахир, катта қизи бу йил коллежни, кичиги эса мактабни битираяпти. "Битирув кечасига оқ кўйлак олишимиз керак", — деб туриб олдилар. Она аввалига кўнди, лекин кейин суриштириб билсаки.... Қизлари айтаётган кўйлак ижарахонада фалон пул! Аммо обермаса бўлмайди. Бунинг сабаблари бор.

Назокат опа эри билан ажрашганида катта қизи уч ёш, кичиги ўн бир ойлик гўдак эди. Санобар нимжон туғилган, кўп касал бўларди, "дадажониси" уйдан кетганидан кейин баттар ичикиб ётиб қолди. Назокат опа Севарани қўшни аёлга ташлаб, кун бўйи Санобарни дўхтирма-дўхтир олиб юрарди. Ахийри қизчасига ташхис қўйишди. Унинг юраги хаста экан!

Ўшандан буён она Санобарга қаттиқ гапирмайди, уни аяйди. Кичиги Севара пишиққина, тили ҳам бурро. Назокат опа бозорда унчамунча савдо сотиқ қилиб топганини шу иккала қизига сарфлайди. Кўнгиллари ўксимасин дейди. Бугун шу икки қизи қувонгани сайин ўзининг ҳам кайфияти тобора кўтарилмоқда.

— Бу кўйлакни неча кунга олдинглар? — ташвишланиб сўради у.

— Эртага бизнинг мактабимизда битирув оқшоми, мен кияман, — деди Севара хушчақчақ ҳолда. — Индинга опам коллеждаги зиёфат кечасига кийиб борадилар. Кўрасиз, ҳаммани қойил қолдирамиз.

— Илоҳим, шундай бўлсин....

Аммо, эртанги кун тушга яқин Санобар кўчадан анча ҳомуш бўлиб қайтди.

— Нима гап? Тинчликми? Мазанг бўлмаяптими? — Назокат опа Санобарнинг ранг-рўйи бир аҳволда эканлигидан ташвишга тушди.

— Ая, ҳалиги.... бизнинг зиёфатимиз ҳам бугунга кўчирилибди.

— Вой, ўлмасам?! Энди нима бўлади? — онанинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Билмасам, — пичирлади қиз.

Худди шу пайт Севара кириб келди.

— Ҳовли ўртасида онабола нимани гаплашиб турибсизлар? Ундан кўра менинг сочимга бир қаранглар, қалай, зўрми? Бунақа турмаклашни ўн минг сўм дейишди. Аранг етти мингга кўндирдим. Муҳими, ўзимга жуда ёқди, сизлар ҳам қаранглар-чи, — қиз соч турмагини кўз-кўзлаб у ёқдан-бу ёққа айланди, сўнг опаси ва онаси юзидаги ташвишли ҳолатни кўриб тўхтаб қолди.

— Нима бўлди? Хафа кўринасизлар? Сано, гапир!

— Севар, биласанми, бизда ҳам бугун зиёфат экан. Шуни ўйлаб бошим қотиб турибди.

— Эртага бўлиши керак эди-ку? — Севаранинг боягги қувноқлигидан асар ҳам

қолмади.

— Бир домламизнинг эртага вақтлари йўқ экан, шунга бугун ўтказамиз дейишди...

Севара опасига тик қаради:

— Хўш, у ҳолда кўйлак нима бўлади? У битта-ку?

Санобар индамай ерга қаради. Назокат опа гапга аралашди:

— Кўйлакни опанг кияди. Сен сингил бўлиб бунақа пайтда унга ён босишинг керак, қизим.

— Мен-чи, мен нима қиламан? Ҳамма қизлар ясаниб, зўр бўлиб боришса-ю, мен оқ кўйлаксиз даврада ўтираманми? Йўқ, бунга рози бўлолмайман!

— Рози бўласан, ёшинг кичикми, рози бўлмай иложинг йўқ! Онангнинг ҳурматини қилсанг-чи? Ё шунақа беодобмисан? — дея Назокат опа кичик қизига ғазаб билан қаради.

Севара йиғлаб юборди.

— Сиз доим опамни аяйсиз, менга қолганда уришганингиз уришган. Опам яхши, мен ёмон, тўғрими? Айтинг!

— Менга иккаланг ҳам бараварсанлар. Лекин опанг учун шу битта кўйлакдан воз кечсанг нима қилибди? У бор-йўғи бир матоҳ экан-ку, Санобар опа бўлиб шунгаям арзимайдими? Ўйлаб кўр, қизим.

Севара ҳозир ҳеч нарсани ўйлашни хоҳламасди. У фақат шу антиқа кўйлакни кийиб йўлга тушгиси, у ёқда қизларнинг кўзини ўйнатиб, ҳаммаҳамманинг эътиборида бўлишнигина истарди. Шунинг учун ҳам айни пайтда муросага унинг асло тоқати йўқ эди.

— Санобар, қизим. Сен кўйлакни кийгинда, соч-почингни тартибга келтир. Тағин зиёфатингдан кеч қолиб ўтирма. Мен Севарага ўзим тушунтираман. Борақол болам.

Опаси ичкари уйга қадам қўйиб улгурмасидан, Севара қичқириб юборди:

— Тўхтанг! Кўйлакка қўлингизниям теккиза кўрманг. Уни ким кийишини ҳозир ўзим айтаман! — қизнинг ранги оқариб кетган, кўзлари тобора олайиб борарди. Севара ғайритабиий бир ҳолатда опасини туртиб ўтиб, тўрдаги ўйга кириб кетди.

— Тавба, бу қиз жинни бўлиб қолибди, ўзи.

Назокат опа айвондаги супага бориб ўтираркан, оғир "уҳ" тортди. Худди шу пайт Севара ичкаридан отилиб чикди, қўлида ўша кунги кўйлак солинган елим халта, кўз қарашлари бежо эди. У тўппа-тўғри ошхона томон юрди. Эшик ичкаридан "шилқ" этиб қулфланганидан кейин Назокат опанинг хаёлига ёмон ўй келди. Ўрнидан турди-ю, ошхона томон югурди.

— Хой, аҳмоқ қиз! Тўхта, нима қилмоқчисан? Эшикни оч, деяпман!

Газ печи устида нимадир лов этиб ёнди. "Чирс-чирс" этган товуш эшитилди. Олов кўтарилиб сўнг пасайди, охири сўнди қолди.

Севара эшикни очиб ташқарига чикди, шу онда унинг юзида заҳарханда табассум зоҳир бўлган, ҳалигина бежирим кўринишдаги соч турмаги бузилиб, сал пахмайиброқ қолганди. Ўзиникига ўхшамаган овозда деди:

Мана, опажон, кўйлак энди иккимизгаям йўқ...

Назокат опа қизининг бу кутилмаган ишидан ҳали ҳушини йиғиб олишгаям улгурмай туриб "гурс" этган товушдан бир чўчиб тушди. Орқасига ўгирилиб, "вой" деб юборди.

— Санобар, болам, сенга нима бўлди, кўзингни оч! Ҳой, Севар, югур, дўхтир чақир! "Тез ёрдам" чақир! Санобар, болам, кўзингни очсанг-чи?!

Уколдан сўнг Санобар кўзини очди. Яна юмди. Ухлади. Узоқ ухлади.

— Аяжон, опамга... опамга нима бўлди? — Севаранинг товушида қўрқув бор эди.

— Унинг юраги касал. Кўпдан бери шундай.

— Нима? Нега буни айтмагансиз?

"Ҳа-я, нега айтмадим?! Балки опасининг хаста эканини Севарага илгарироқ билдирганимда у ҳам менга ўхшаб Санобарни бироз аямасмиди? Ўшанда ҳозиргидек аҳволга тушмаган бўлармидик?.."

Назокат опа шу топда ҳаммаси учун фақат ўзини айбларди. Лекин бу тўғримикан? Ижарага олинган қимматбаҳо кўйлакнинг ҳеч кутилмаганда ёндирилиши, битирув оқшомининг "малика"си бўлолмаган икки қизнинг изтиробу аламлари, бугунги воқеадан ўзини йўқотаёзган онанинг юзу кўзидаги чуқур қайғу...

Аслида буларнинг барчаси мактабни битиришдаги муаммолардан биттаси эмасмикан?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Сиз бунга нима дейсиз?

ТИРИКЧИЛИКМИ ЁКИ?..

Янги гилос чиққан кунлари эди. "Фарҳод" бозорига эртароқ тушдим. Деҳқон билан олибсотарларнинг савдоси қизиган пайт экан. Рўмоли ўзига жуда ярашган, юз-кўзларидан меҳр балқиб турган онахон билан ёшгина, ўзидан аввал тилла тақинчоқлари кўзга ташланадиган жувоннинг савдосига гувоҳ бўлдим.



Онахон иккита тоғорада гилос олиб келибди. Эртаки гибос обдон саралаб терилибди. Дона-доналиги-ю қип-қизиллигини кўриб ҳавасинг келади.

— Икки ярим минг сўмдан берақолинг, қариндошим тўйга гилос "заказ" қилганди. Яхшилик учун. Дастурхонга тортамиз, савоб бўлади, берақолинг энди.

Бозор кўрмаган аёлларнинг кўнгли ҳам бўшроқ бўларкан. Онахон гилос савдоси битиб, қандай рози бўлганини ҳам сезмай қолди. Жувон пулни санаб, тоғораларни бўшатиб берди...

Орадан икки дақиқа ўтмай ҳалиги жувон гилосни растага қўйди, савдо бошланди.

— Гилос қанчадан, — сўрайман.

— Беш ярим минг сўмдан. Кўпроқ олсангиз сизга килограммини беш минг сўмдан бераман, эркак кишидан бай очсак, яхши-да, ака!

— Ҳозир кўз ўнгимда бир килограммини икки ярим мингдан олдингиз-ку, ҳеч бўлмаса тўрт мингдан беринг!

— Иложи йўқ ака, тирикчилигимиз шу. Пулингиз камроқ бўлса, нарироқда гилоснинг сизбоп — майдароғи бор.

Одамлар ўзгариб кетган, шекилли. Бир пайтлар чайқовчилар қилмишидан уяларди. Энди-чи тирикчилик дейди, гапни калта қилади.

Бу бозорларда кунда содир бўладиган оддий воқеа. Аммо содда онахонни авраб, лаққа туширган, инсоф тарозисини писанд қилмайдиган бозорчи жувон бу қилмиши замирида қайсидир маънода гуноҳ борлигини англадимикан?

Далада кетмон чопмай, боғ кўкартирмай, тайёр маҳсулотни олиб-сотиб деҳқондан кўпроқ даромад қилишни касбига айлантирган "уддабурон"лар бозорлардаги нарх-навони белгиласа-ю, биз томошабин бўлиб тураверсак!

Қадимда тижоратчилардан, савдогарлардан қолган удум бор экан: агар сотиш учун мол довон ошиб олиб келинса, нархига 10 фоиз, денгиз ошиб олиб келинса 20 фоиз устама қўйиб сотилар экан. шунда топган фойдаси ҳалол ҳисобланган. Ўша қадриятлар мезони билан баҳоласак, бугун бозорнинг ўзидаёқ "тирикчилик" қилаётганларнинг топганлари ҳалол дея оламизми?

Кўпни кўрганлар, бозорнинг паст-баландини ажрата биладиганлар, олибсотарларга ҳеч бўлмаса инсоф-диёнат борлигини эслатиб турса, керак жойда танбеҳ берса! Зора, уларга инсоф кирса.

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Гўзалликка бурканмиш олам,
Гуллар кулиб саломлар этар.
Кўздан оқар кавсарий жолам
Илҳом ширин каломлар элтар.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

Мерос

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ

ҳақида ҳикоя қилади

Буюк Ипак йўли кўплаб маданият масканларини яратишга асос бўлди. Ўзбекистон, Япония ва карвон йўлида жойлашган мамлакатларнинг маданий меросини оммалаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

1999 йили машҳур япон рассоми Икую Хираяма Тошкентда маданият карвонсаройини бунёд этиш ҳақида таклиф киритди. Бу ташаббус республикамиз ҳукумати томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Кўп ўтмай бу эзгу ният амалга ошди. 2002 йилнинг баҳорида "Маданият Карвонсаройи" ўзбек-япон илмий ижодий маркази сифатида тантанали очилди. Ушбу маросимда Буюк Ипак йўлини ўрганиш бўйича япон делегацияси ҳам қатнашди. Кейинчалик Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бу нуфузли даргоҳга "Халқаро маданият карвонсаройи" деган мақом берилди.

Пойтахтимизнинг Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида қад кўтарган меъморий бинода жойлашган мазкур марказ Буюк Ипак йўли анъаналарини қайта тиклаш, халқаро бағрикенглик асосида маданиятларни тараққий эттириш билан боғлиқ йирик тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр давомида кўҳна маданий меросни тарғиб этиш йўлида кўпгина тадбирларни ўтказди. Бу ердаги кутубхона Буюк Ипак йўли тарихи, археологияси, санъати ва этнографиясига доир мингдан ортиқ турли нашрларга эга. Бундан ташқари, Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси совға қилган китоб ва альбомлар ҳам бор. Корейс рассомлари тортиқ қилган ўрта асрлар усулидаги рангли тушь ва қоғоз ўрамига ишланган асарлар ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тортади.

Марказнинг музейлари ҳам экспонатларга бой. "Буюк Ипак йўли кулолчилиги" мавзусидаги ноёб экспонатлар ўтмиш маданиятлари ҳақида ҳикоя қилади. Шу кунларда ўзининг беш йиллик санасини нишонлаётган марказ мухлисларини янги кўргазмалар ва нашрлар билан ошно қилишни режалаштирган.

Акбар АЛИЕВ.

Жаҳон ҳафта ичида

Сурия воситачилигида қурол олмоқчи

Сурия Эронга камида 50 тадан 10 тагача ҳаво ҳужумига қарши ҳимоя тизимини сотмоқчи. Айни пайтда расмий Дамашқ ушбу қурилмаларни Россиядан харид қилмоқда. Бу ҳақда Исроилнинг «Ҳааретз» газетаси хабар тарқатди. Манбада келтирилишча, ушбу маълумот мазкур масалада музокалар олиб бораётганларнинг яқинларидан олинган. Унга кўра, 2008 йилнинг охирига қадар Сурия Эронга бундай тизимни етказиб беради. Расмий Дамашқ икки давлат ўртасида воситачилик қилгани учун каттагина маблағ ишлаб олади.

Энг қиммат ҳовли қанча?



«Forbes» журнали АҚШдаги энг қиммат уйларнинг рўйхатини эълон қилди. Биринчи ўринни Саудия Арабистонининг АҚШдаги собиқ элчиси шаҳзода Бандар бин Султон бин Абдул Азизга тегишли «Hala Ranch» эгаллади. Унинг қиймати 135 миллион долларга баҳоланди. Ҳовли 38,2 гектар майдонни эгаллаган. Кейинги ўринни Версал саройи услубида қурилган Беверли-Хилздаги «Fleur de Lys» эгаллаган. Унинг баҳоси 125 миллион долларни ташкил этди.

Ҳаётимизни ўзгартирган кашфиётлар

«USA Today» газетаси XX аср охирида инсоният ҳаётини ўзгартириб юборган 25 та кашфиёт рўйхатини чоп этди. Унда қўл телефони, ноутбук, DVD, рақамли фотоаппарат, рақамли ҳамда плазма экранли телевизор, электрон тўлов услуби, интернет биржаси, уй сунъий йўлдоши каби кашфиётларнинг ҳаётга кириб келиши одамлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида таҳлилий мақола берилган.

Яна бир судья ишдан кетди

Украина Конституцион судининг яна бир аъзоси Дмитрий Лилак мамлакат президенти Виктор Юшченко номига ўзини хизмат лавозимидан озод этишини сўраб ариза ёзди. Бу ҳақда мамлакат президенти котибияти раҳбари Виктор Балога журналистларга маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча кун олдин Конституцион суд раиси Иван Домбровский ўз хоҳиши билан истеъфо чиққанди. Унинг бу қарори суд мажлисида тасдиқланган.

Тўқнашувлар давом этаяпти

Ливаннинг Триполи шаҳрида фаластинлик жангарилар ва мамлакат ҳарбий кучлари ўртасидаги тўқнашувлар давом этаяпти. Икки кун ичида рўй берган отишмалар чоғида 60 га яқин одам ҳалок бўлди. Юз нафарга яқин одам жароҳатланди. Ливан ҳукумат вакили Триполи шаҳри яқинидаги «Нахр ал-Барид» қочоқлар лагерини террорчилар тайёрлайдиган мактабга айланганини таъкидлади.

Якшанба куни банкни ўмаришда гумон қилинаётган шахслардан бири қочоқлар лагеридан қидирилаётганда ўртада низо чиқди ва натижада оммавий тўқнашувларга айланиб кетди.

Шевченко «Милан»га қайтиши мумкин

Италиянинг «Милан» жамоаси раҳбарияти Лондоннинг «Челси» клуби билан Андрей Шевченкони олдинги клубига қайтариш масаласида музокаралар олиб бормоқда. «The Sun» газетаси бу ҳақда хабар тарқатди. Украина терма жамоаси сардорининг «Милан»га қайтишига Роман Абрамович ҳам розилик берди. «Милан» Шевченкони ижарага олиши ёки уни 12 миллион фунт стерлингги трансфер қилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, «Челси» Шевченкони ўтган йил май ойи охирида 30 миллион фунт стерлингга харид қилганди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Эътироф

ИНТЕРНЕТДА ХОРИЖ БИЛАН БОҒЛАНГАН ОТАХОН

— Илоҳим истиқлолга кўз тегмасин, — дейди Наманган туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган саксон уч ёшли фахрий ўқитувчи Абдусалом Раҳмонов.



— Яқин-яқингача мактабга эътибор йўқ эди, – дейди отахон. — Эндиликда нафақат мамлакатимиз, вилоятимиз марказлари, балки чекка қишлоқларда ҳам мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, лицей коллежларга давлат ғамхўрлиги сезилиб турибди. Компьютер, лингафон синфлари, энг замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганини айтмайсизми. Ҳатто интернет деган алоқа воситаси ҳам бор эканки, у билан дунёнинг хоҳлаган жойидаги киши билан бемалол гаплаша оларкансиз.

Набираларимдан бири хорижда — Россияда таҳсил оляпти. Кечагина ўғлим Абулбоқининг саъй-ҳаракати билан интернетга бордик. Бир зумда набирам Бахтиёр билан боғландик. Агар мустақилликка эришмаганимизда бундай гаплар қаёқда эди.

Ҳали-ҳануз мактабдаги аҳвол кўз ўнгимда. Ёзда иссиқ, қишда совуқ хоналарда бир амаллаб дарс ўтардик. Ҳали ғўзанинг яганаси, пилла, чорвага дағал хашак жамғариш, пахта териш каби хўжаликда қандай юмуш бўлса, катталарнинг кучи мактабга — ўқитувчи-ю ўқувчига етарди. Ана шундай шароитда ишлардик ва болалар билим олишарди. Эндиликда бу каби бўлар-бўлмас ғавғолар барҳам топди. Яна бир қувонарли томони шундаки, урфодатларимиз янгича мазмун билан истиқлол йилларида ўзимизга қайтди. Наврўздек қадимий умумхалқ байрами, Ийд Рамазон, Қурбон ҳайитлари, ҳажга бориш каби диний амаллар ва бошқа мусулмончилик билан боғлиқ удумлар учун кенг йўл очилди. Лўнда қилиб айтганда, диний бағрикенглик, эмин-эркинлик қонунлар билан белгилаб қўйилди.

Абдунаби ҚОРАБОЕВ.

«Миллий тикланиш»
демократик партияси Марказий кенгаши
2 дона компьютер жамламаси ва рангли принтер харид қилиш учун
тендер эълон қилади.
Мурожаат учун телефонлар: 1448128, 1448305, 1446992
K-mail: uzmldpmk @ mail.ru
ЎзМТДП Марказий кенгаши.

«Миллий тикланиш» газетасига
реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*
Ⓡ - *Тижорат материали*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 1934
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 20.00

MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON «MILLIY TIKLANISH» DEMOKRATIK PARTIYASI

Миллий тикланиш

2007 йил 30 май, чоршанба.

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

22 (405)-сон Сотувда эркин нархда.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Азамат АҲМАД олган суратлар.

КУЛГИНГИЗ ОЛАМНИ ТЎЛДИРСИН ДОИМ

Болажон халқмиз. Ўзимиздан кўра фарзандларимизни ўйлаш қон-қонимизга сингиб кетган. Энг яхши ниятларимиз, орзу-ҳавасларимизга қўшиб, топган-тутганимизгача болаларимизга раво кўрамиз. Яхши униб-ўссин, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишсин, деймиз.

Ахир, фарзанд — фарзанд-да! Томирларида темурийлар, бобурийлар, Нодира-ю Увайсийлар қони жўш уради. Сурату сийратларида улуғ аждодларимизнинг ажойиб хислатлари, олижаноб фазилатлари намоён бўлиб туради. Шунинг учун ҳам уларнинг камолидан қувонамиз, истеъдоду интилишларидан ҳайратга тушамиз. Бугунги болалар яқин ўтмишдаги тенгқурларидан тамоман ўзиб кетишган. Билағон, зукко, қизиқувчан, тиришқоқ. Ота-оналарини қўйинг, ҳаттоки боғча опалари, биринчи ўқитувчиларини саволга кўмиб ташлашади.

Болажонларимизнинг бахту иқболи учун Юртбошимиз қайғурмоқда. Уларнинг камол топиб, соғлом униб-ўсишлари учун ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Чунки бугунги болалар — эртанги кунимизнинг муносиб эгалари. Мустақиллик йилларида қурилган, замонавий архитектуранинг барча кўринишларини ўзида ифода этган болалар боғчалари-ю, бир-биридан бетакрор мактаблар, ўйингоҳлар, спорт мажмуалари, қўйингки, кўплаб иншоотлар болаларнинг дуркун униб-ўсишлари учун хизмат қилмоқда.

Болажонларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, уларни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин, деймиз. Яна қўшиб қўямиз: кулгингиз оламни тўлдирсин доим!

Камола ПОЛВОНОВА.

Фармонни ўқиб

ОИЛАГА ҒАМХЎРЛИК — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Истиқлолни қўлга киритган дастлабки кундан бошлаб халқимиз турмуш тарзини барқарорлаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Йил сайин ҳаётимизда юксалиш сезиляпти. Айниқса, кам таъминланган оилалар, ногор ва боқувчисини йўқотган болалар, соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз кимсаларга ғамхўрлик кўрсатиш тобора урф бўлиб бораяпти.

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши ҳам эзгу амалларнинг давом этаётганлигидан далолатдир. Бу борада Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Негаки, ҳозирги кунда жамиятимизнинг асосий қатламини ёшлар ташкил қилади. Улар учун иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятларига кенгроқ имконият бериш, катта ҳаёт бўсағасида турган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мазкур ҳайрли тадбирларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган вазифалардир.

Ушбу Фармон жойлардаги ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинларида катта қизиқиш билан ўрганиляпти.

Ҳа, оила — жамиятимизнинг бир бўлаги ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш эса ана шу муқаддас маскан — оилада тарбия олиб улғайган фарзандларимизга боғлиқ. Уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишларида иқтисодий шарт-шароитнинг ўрни беқиёсдир. Зориқмай, ҳам ақлан, ҳам жисмонан бақувват, зарур кийим-кечак билан таъминланган ёшларгина чуқур илм олишга, Ватан хизматларига дастёр бўлишга эриша оладилар. Бундан ҳамманинг, айниқса, жамоатчиликнинг умиди катта. Шу боис, мустақил ҳаёт остонасида турган фарзандларимизнинг иш билан таъминланишига эришиш, моддий жиҳатдан зориқишларига йўл қўймаслик, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барқарор даромад манбаига эга бўлиш ҳиссини кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маълумки, фаровонлик юксалиш омилидир. Ёшлар кўнглига йўл топиш орқали бунга эришиш мумкин.

Юртбошимизнинг мазкур Фармонини эса қалб калити десак, бўлади. Унинг бутун эътибор-моҳияти ёшларга, ёш оилаларга ғамхўрлик ифодаси сифатида мазмун касб этади.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Партия ҳаёти

АЖДОДЛАРИ БУЮК АВЛОДЛАРМИЗ

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш, партия билан халқимиз ўртасида жипсликка эришиш, истиқлол берган неъматлардан тўлиқича баҳраманд бўлиш, Ватан тараққиёти, юрт ободлиги, эл тинчлиги йўлида кучларни сафарбар этиш энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. ЎзМТДП Тошент вилояти Юқори Чирчиқ туман кенгашида бўлиб ўтган конференция кун тартибидаги масалаларда ҳам юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топди. Тадбирда Тошкент вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Салимова, вилоят кенгаши ходимлари, Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги вакиллари, партиядан сайланган депутатлар, фаоллар иштирок этдилар.

Тадбирда Шарифа Салимова ҳозирги глобал жараён бизнинг миллий, азалий қадриятларимизга қарши ўзининг тажовузкор таъсирини ўтказишга, анъаналаримизни емиришга қаратилган, қўштирноқ ичидаги «маданиятлилик» билан ёшларимиз қалбини забт этишга уринаётганликларини таъкидлаб, "Биз илғор технологияларга қарши эмасмиз, лекин четдан туриб тарбия олишга муҳтож ҳам бўлмаганмиз. Аслида кўҳна Шарқ, Марказий Осиё, она-Ўзбекистон тарбиянинг пойдевори ҳисобланади. Бунга далилар, мисоллар талай. Вужудимизда Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди қони, мунис ва мўътабар онахонларимиз берган ўгитлар бизни ҳамма вақт инсонийликка етаклаб келган. Қалбида имон нури порлаб турадиган юртдошларимиз нафақат мурувват, маънавият ва меҳр-оқибат туйғулари ила ўз ҳаётларини мунаввар қилиб қолмай, бу беназир қадриятларимизни ёшлар руҳига сингдиришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Лоқайдлик — душманимиз. Қаерда шундай иллатга ўрин берилса, маънавиятга зид ҳолатларни кузатиш мумкин. Буни баъзи ёшлар тарбиясида кўриб афсусланамиз. Четдан суқилиб кирган "маданият"га муккасидан кетган, турли хил динлар таъсирига берилиб бораётган айримлар лоқайдлик кўлмагида қолиб кетаётир. Партиямиз миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва уни бекамукўст авлодларга етказиш, Ватанни ҳамма вақт обод ва нурафшон масканга айлантириш учун қаттиқ ишлаш тарафдоридир. Бу борада фаолларимиз хайрихоҳларни жипсликка эришишга чорлайди" — деди.

Ҳар бир жойда бўлгани каби ишни жонлантириш учун етакчи зарур. У барчани ортидан эргаштира олдими, муносиб номзодми, ташаббускорми? Тадбирда туман кенгаши раислигига 20-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Холида Искандарова номзоди кўрсатилди. Номзод тўғрисида тадбиркор Нуриддин Омонбоев, тажрибали ўқитувчи Шарифа Бадалова-лар ўз фикрларини билдирдилар. Ўз навбатида Холида Искандарова ишонч учун ташаккур билдириб, ўзига юклатилган масъулиятли вазифада астойдил ҳаракат қилажагини айтди.

Тадбирда муаммолар ҳам ўртага ташланди. Хусусан, туман экологиясини муҳофаза этиш, зах сувларни йўқотиш, "Шоназар" маҳалласи аҳлининг қишда нима учун газ танқислигига дучор бўлишаётгани борасида фикрлар ўртага ташланди. Болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида спорт майдончалари, ўйингоҳлар бўлиши зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, конференцияда партия сафига янги аъзолар қабул қилинди.

Доно АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши бош мутахассиси.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Ромитан туман кенгаши ташаббуси билан «Глобаллашув жараёнида диний-ахлоқий тарбия муаммолари» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Китоб туман кенгаши томонидан «Чевар қиз — оила кўзгуси» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Ватан — оиладан бошланади» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Ғаллаорол туман кенгаши томонидан «Аёл — баркамол авлод мураббийси» мавзуида учрашув уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Нарпай туман кенгаши ташаббуси билан «Балли, қизлар» кўрик-танлови ўтказилди.

* * *

Партиянинг Ангор туман кенгаши «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши ва туман Ахборот ресурс маркази билан ҳамкорликда «Абдулла Қаҳҳорнинг меросини ўрганиш» мавзуида кеча уюштирди.

* * *

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши халқ таълими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари билан ҳамкорликда «Таълим билан қамраб олинмаган ёшлар бандлиги» мавзуида учрашув ташкил этди.

* * *

Партиянинг Паркент туман кенгаши халқ таълими бўлими ва «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши билан ҳамкорликда «Маънавият — қалбим қуёши» мавзуида кўрик-танлов ўтказди.

* * *

ЎзМТДП Пешку туман кенгаши хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда «Оналик ва болаликни ҳимоялашда жамоат ташкилотларининг ўрни» мавзуида тадбир ташкил этди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Иқтисодий шарҳ

ЭРИШИЛГАН МАРРА ЧЕГАРА ЭМАС

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши халқимиз турмуш даражасининг юксалишида ҳамда халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги ривожланишида ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар ҳамда янгиланиш жараёнлари кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ишончли ва барқарор суръатлар билан ривожланишига, турмушимиз даражасини оширишга мустаҳкам замин барпо этмоқда.

Яқинда матбуотда эълон қилинган "2007 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида"ги Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг маълумоти бунга ёрқин мисолдир. 2007 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот ўсиши 9,1 фоизга етди. Саноат, инвестиция ва қурилиш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳалари ялпи ички маҳсулот ўсишига салмоқли ҳисса қўшди. Асосий капиталда ўзлаштирилган инвестициялар ва қурилиш ишлари ҳажми тегишли равишда 36,4 ва 12,8, саноат маҳсулотлари ҳажми 12, товар айланмаси 16,9, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 25 фоизга ўсди. Товарлар ва хизматлар экспорти 21,1 фоизга ошди.

Айниқса, ялпи ички маҳсулотнинг барқарор суръатда ўсиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Эришилган натижалар негизида, аввало, бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича олиб борилаётган тизимли, изчил ва қатъий ҳаракатлар турганлигидир. Биринчи чоракда ҳам иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда асосий эътибор солиқ юкини камайтиришга, солиқ-бюджет сиёсатини либераллаштиришга қаратилди.

Инвестицияларнинг ўсиш суръати 2006 йилнинг биринчи чорагига қараганда 8 баробар ошди ва 36,4 фоизни ташкил этди. 43 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, еттита тўқимачилик корхонаси, "Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари комбинати" очиқ акциядорлик жамиятида толали плиталар, "Кулол" масъулияти чекланган жамиятида чинни буюмлар, "ТТЗ" очиқ ҳиссадорлик жамиятида металл қуйиш линиялари, "Тошгузор — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл линиясида янги участка ва бошқа иншоотлар ишга туширилди.

Айниқса, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, солиқ юкини камайтириш, корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини кўпайтириш ва аҳоли реал даромадининг ошиши ҳисобидан ички талабнинг ортиши 2007 йилнинг биринчи чорагида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилига айланди. Шунингдек, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, енгил саноатда ўсиш суръатлари юқори бўлди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 447 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусийлаштиришнинг сўнгги йилларидаги ўзига хос жиҳати давлат активлари ва акция пакетларининг нолга тенг харид қиймати бўйича тўлиқ ҳажмда сотилаётганида намоён бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилда ҳам 329 та ширкат хўжалиги негизида 25,2 мингта фермер хўжалиги ташкил этилди. Уларга 604,2 минг гектар ер ажратилди. 2007 йилнинг 1 апрелига келиб фермерларнинг умумий сони 207, 9 мингтага етди. Фермерлар томонидан ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотини, аввало, чорвачилик, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишда ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Масалан, бандликни таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларга мувофиқ 150 мингга яқин иш ўринлари яратилди. Айниқса, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун 520 мингта эҳтиёжманд оилага нафақа ва моддий ёрдам берилди. Уч ярим мингга яқин кам таъминланган оилага 2,9 миллиард сўмлик микрокредит ажратилди. Ҳомийлик ёрдами ҳисобидан 26 минг нафар қаровчисиз фуқарога ва 121 мингта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг мана шундай жадал ва барқарор ривожланиши юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қилади.

Баҳодир ҲАСАНОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҲОТАМТОЙ ФЕРМЕР

Мустақил ватанимизда фермерлик, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида ғайратшижоат кўрсатаётган юртдошларимиз кўп.

Шундай инсонлардан бири Навбаҳор туманидаги Эшонтўп қишлоғида истиқомат қилувчи Барот Очиловдир. Барот ака бундан қарийб ўн йил илгари 25 гектар ер олиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Шундан буён ҳар йили режаларни уддалаб, олдига қўйган мақсадига эришиб келади. Дастлаб 2-3 киши аъзо бўлган хўжаликда бугунги кунда 25 киши меҳнат қилиб, рўзғор тебратади. Жамоада асосан пахта ва бўғдой экилади.

Хўжаликда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам аҳамият берилган, ҳозир қўйларнинг бош сони 250 тага етди.

Ҳамкишлоқлари Барот Очиловни ҳотамтой фермер деб ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби, Бешраводдаги бирон тадбир, байраму маъракага унинг беминнат улушисиз ўтмайди. Мактаб ва боғчалар, маҳаллаларга кўрсатаётган ҳомийлиги қаторида, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб келади. Барот Очилов тумандаги 1-умумтаълим мактабининг ота-оналар қўмитаси раиси вазифасини ҳам сидқидилдан бажариб келади.

— Бу бағрикенг фермердан миннатдормиз, — дейди 1-умумтаълим мактаби директори Самия Муродова.

Барот ака Ижтимоий ҳимоя йилини ҳам хайру саховат ишлари билан бошлади. Ҳамқишлоқлари Робия Раҳматовага болали сигир, Қувват Жамоловга қўй берди.

Элу юртни ўйлаган, муҳтожлардан борини аямаган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Барот Очилов туман кенгаши депутати сифатида ҳам эл манфаатини ўйлаб фаолият юритмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Газетамизга 2007 йилнинг иккинчи ярмига обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.

Парламент соати

Халқимиз қадриятларида юксак инсоний фазилатлар билан бирга меҳру саховат ва ҳомийлик анъаналари ўзига хос ўрин тутади. Исломий эътиқод ва миллий қадриятларга таянган ушбу эзгу одат миллатимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик хусусиятларидан келиб чиққан. Аждодларимизга бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, мазлум ва бечораларни ҳимоя қилиш, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёрдам бериш йўлида нафақат молу мулкини, ҳатто ўрни келганда ўз ҳаётини ҳам гаровга қўйиш каби юксак ахлоқий қадриятлар азалий одат бўлган.

ҲОМИЙЛИК ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ОДАТИ

Мамлакатимиз Президенти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли рисоласида "Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи керак. Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қила олган тақдирдагина инсонпарвар, адолатли ҳисобланади. Давлат кишиларга, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлганларга, ижтимоий ҳимоя қатламларига, етимлар, болалар, ўқувчилар, нафақахўрлар ва ногиронлар, ёлғиз оналар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши керак», деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз кириб келаётган йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиб, ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, бу масаланинг қонуний базасини яратиш, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шундан келиб чиқиб «Ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди. Мазкур қонун устида парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси иш олиб борди. Янги қонунни тайёрлашда хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Германия, Австрия, Белгия, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Нидерландия, Португалия, Франция ва Молдава каби ўндан ортиқ давлатларнинг қонунчилик тажрибалари, шунингдек, МДҲ давлатларининг "Меценатлик ва ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги намунавий қонуни эътиборга олинди.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қўмита аъзолари эътиборларини ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг мақомини белгилаш, ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари томонидан уни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни ҳамда иқтисодий ва молиявий механизмларини яратишга қаратдилар.

Дастлаб бу масала депутатлар муҳокамасига киритилиб, юздан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Кейин қўмиталарда, уларнинг қошида ташкил этилган экспертлар иштирокидаги йиғилишларда, шунингдек барча партияларнинг фракцияларида давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳуқуқшунослар, мутахассислар, олимлар ўртасида кенг муҳокама қилинди, улардан тушган таклиф ва мулоҳазалар, қонунни такомиллаштириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг, давлат, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари тизими ходимларининг фикри ҳам инобатга олинди. Муҳокама жараёнида икки марта илмий-амалий семинар, 5 та давра суҳбати, йигирмадан ортиқ қўмита йиғилиши ўтказилди. Шундан кейин 4 боб 23 моддадан иборат "Ҳомийлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шу боис уни қонунчилик ва ижроия ҳокимияти ҳамда кенг жамоат ташкилотлари ходимларининг ижодий маҳсули деб ҳисобласа бўлади.

Энг кўп мунозарали бўлган модда – бу "Ҳомийлик субъектларига бериладиган имтиёзлар" деб номланган 15-моддадир. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий таянчларидан бири — аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўлганлиги боис ҳомийлик ва хайр-саховат ишларига Фуқаролик, Божхона ва Солиқ кодексларида белгиланган ваколатлар доирасида, шунингдек, Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланган.

Қонунлар тез-тез ўзгариши мумкин эмас, балки такомиллаштирилиши лозим. Шу боис мазкур меъёр бўйича қонун моддасини шакллантиришда ҳомийликнинг ихтиёрийлик ва беғаразлик тамойили асос қилиб олинди ва 15-модда мазмун жиҳатидан кенг, ҳажм жиҳатдан қисқа қилиб "Ҳомийлик субъектларига қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади" деб ёзиб қўйилди.

4-моддада ҳомийликнинг мақсади белгиланиб, ҳомийлик фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ва интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизлар, ногиронлар ва бошқа шахсларни реабилитация қилиш меъёрлари ўрин олди. Халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни, оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлаш, оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилиш, таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолият, шунингдек, шахснинг маънавий камол топиши, касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш, террорчилик ҳаракатлари, ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва бошқалар ҳомийликнинг мақсадлари қилиб белгиланди.

Қонунда тижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳомийлик ҳисобланмаслиги, шунингдек, сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида ҳомийлик қилиш ва қонунларга зид бўлган бошқа ҳар қандай фаолиятни ҳомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш таъқиқланиши белгилаб қўйилди.

Ҳомийларга ҳомийликни юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий равишда ва якка тартибда ёки бирлашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этган ёки этмаган ҳолда амалга ошириш, ўз хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди. Бундай ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, мол-мулки, уни шакллантиришнинг манбаалари ва ундан фойдаланиш, ҳомийлик дастури, ҳомийлик ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳақидаги нормалар қонуннинг иккинчи бобида батафсил ёритилган. Учинчи боб 6 моддадан иборат бўлиб, унда ҳомийлик субъектларига давлат томонидан бериладиган кафолатлар, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар, ҳомийлик субъектлари устидан амалга ошириладиган назорат, шунингдек, халқаро ҳамда чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, халқаро ва чет эл ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳомийлик фаолияти борасидаги ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуни икки палатали парламент фаолияти давомида қабул қилинган янги қонун ҳисобланиб, у халқимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қатламларига беминнат ёрдам кўрсатиш баробарида инсон манфаатларини таъминлаш, қадр-қимматини улуғлаш, миллатимизнинг инсонпарварлик, меҳр-мурувватлилик ва ҳамжиҳатлик каби анъаналарининг ҳаётимизда қарор топа бораётганлигидан далолатдир.

Жума ЧОРШАНБИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси.

Фаолларимиз

Комилжон тун ўз пардасини борлиққа ёйган маҳали Гулистонга кириб келди. Шаҳар чароғон эди. У бугун ҳар қачонгидан ҳам толиқди. Бироқ, руҳи тетик. 15 гектар ерга экин-тикин қилишаяпти. Бу ишларни тугатиш учун роса тер тўкишди. Баҳорда бир кун ҳам ғанимат, ахир. Юмуш билан бир хонадонга борганди. Кун бўйи ўшалар хаёлидан кетмади. Кенг ҳовли, анчагина томорқалари ҳам бор экан. Аммо ҳеч нарса экилмаган. Бир туп мевали дарахт у ёқда турсин соя ташлайдиган дарахт ҳам йўқ. Кун чошгоҳ бўлганига қарамай ҳовлида ҳеч ким кўринмайди. Анча пайт чақириб турди. Бир маҳал уйқули кўзларини ишқалаб ўн етти ёшлардаги йигит чиқиб келди. Сўнгра биринкетин катта-кичик унда-бунда кўриниб қолди. Комилжон беихтиёр отасини эслади. Отаси ҳамиша барвақт туради. Болаларини ҳам шунга ўргатган. "Эрта турганга ризқ барокатли бўлади", — дейди доим.

ЯХШИЛИКНИ БИЛГАН ФАЗИЛАТ ЙИГИТ

Комилжон қаршисидаги йигитга қараб афсусланиб кетди. "Шунча ухлайсизларми?" деб юборди.

— Кечаси компьютерхонада кўп ўтириб қолибман, — деб уйқусиради йигитча. Комилжон ўзининг айнан шундай ёшдаги чоғини эслади. Зарур бўлган бир-икки сўмни ота-онасидан сўрашга ийманарди. Яқин атрофдаги зовурлардан қундуз ушлаб терисини сотарди. Шу алфоз телпак тикадиган бир киши билан танишиб қолди. Унга "ҳунарингизни ўргатинг" деб туриб олди. Уста эса қанча шогирд олган бўлса, ҳаммаси меҳнатга чидамай ташлаб кетганини айтиб "сен ҳам чидамайсан, яхшиси қўй уринма" деди. Комилжон эса қайтадиганлардан эмасди. Ниҳоят, уста уни шогирдликка олди. Неча бор қўлига игналар санчилди, аччиқ-тизиқ гаплар эшитишга тўғри келди, у барига чидади, ҳаракат қилди, интилди. Бир куни уста: "Сен ҳам бошқалардек ишни ташлаб кетасан деб ўйлагандим. Бардошли экансан. Бунинг устига уқувли, меҳнаткашсан, ҳеч қачон кам бўлма" деб олқишлади.

Комилжон тадбиркорликка илк бор ўшанда қўл урган эди. 1989 йили телпак тикиш цехини очди. Ўша йиллари олий ўқув юртида талаба эди. Ҳам ўқирди, ҳам ярим тунга қадар телпак тикарди. Мавсумда тиккан телпаклари уч юзтагача етарди. Оилада акалари ҳам, укалари ҳам ўзларига иш топиб олишарди. Сира бўш вақтлари бўлмасди. Фақат озроқ вақт топиб спорт билан шуғулланишарди. Мана, эсини танибдики, уларнинг ҳаёт тарзлари шу. Бўш вақт йўқ. Шундан бўлса керак, бекорчини кўришга тоби йўқ. Тану жони соғ одам ҳаракат қилса, тер тўкса, ҳеч қачон муҳтож бўлмайди, деб ўйлайди ва ўзи буни ҳаётда бошидан ўтказаяпти.

Комилжон ана шу ўйлар билан жонажон гўшаси — "Аҳиллик" маҳалласидаги уйига етиб келди. Машина овозини эшитиб болалари югуриб чиқишди. Учала ўғлини бир-бир бағрига босаркан онасининг кўнглини хотиржам қилишга шошилди.

— Келдингми, болам? — унинг саломига алик оларкан Малика опа сўради. — Бугун кеч қолдинг?

— Аввал иссиқхонага ўтдим. У ерда отам ҳамма юмушга бош-қош. Ишчиларга барча нарса етарли экан. Кейин фирмага тегишли бир-икки ишларни бажариб Оқолтин туманидаги даламиздан хабар олишга бордим. Бугун роса ишлабман, роса йўл юрибман.

— Омадингни берсин болам. Тану-жонинг соғ бўлсин, сира кам бўлма, — алқайди она фарзандини, — бор, овқатланиб ол.

Бу орада турмуш ўртоғи Дилафрўз бор топганини дастурхонга қўйган бўлади. Комилжон ҳамиша ота-онасини суюнтиришни хоҳлайди. Уларнинг дуосини олгиси келаверади. Айнан уларнинг дуоси билан кўкараётганини, унибўсаётганини ҳис қилади. У Гулистон давлат университетининг икки факультетини — жисмоний тарбия ва иқтисодиёт факультетини битирган. Талабалик йиллари доимо олдинда бўлишга интиларди. Спортнинг кураш тури билан жиддий шуғулланиб доимо мусобақаларда ғолибликка эришарди. Эсида, университетга ота-онасини чақиришганди. Ўшанда деканлари ректорнинг раҳматномасини топшираркан "Шундай фарзанд ўстирганингиз учун минг раҳмат сизларга. Ўғлингиз ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам, пахта йиғим-теримида ҳам, одоб-ахлоқда ҳам ҳаммага ўрнак. Фарзандимнинг шундай бўлишини мен ҳам жуда хоҳлайман" деган экан. Ота-онаси анча пайтгача ана шу гапларни айтиб қувониб юришди. Комилжон ота-онасини доимо ана шундай қувонтиргиси келади. Бу хислат акалари Аҳмад, Баҳодир, укалари Камолиддин, Зокирларга ҳам хос. Шунинг учун ҳам улар маслаҳатлашиб, ота-онасига уй қуриб беришди.

— Ҳаммамизнинг олий маълумотли, ҳунарли, оилали бўлишимизда умрини, саломатлигини бахш этган меҳрибонларимиз учун ҳар қанча хизматда бўлсак кам, — дейишади уларнинг ҳар бири.

Ҳозир Комилжон Маматқулов 31 ёшда. У "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси. Тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиб 32 иш ўрни яратди. "Дилшод-Акмалҳамкор" фирмаси раҳбари. Оқолтин ва Гулистон туманларидан ер олиб, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиради. Даромад меҳнатга яраша. Саховат эса беқиёс. Турли хайрли тадбирлар ўтказишда ҳомийлик қилишни Комилжон яхши кўради, олқиш олгиси келади, дуо олгиси келади. Унинг яхши кўрган сатрлари:

Ҳаёт мушкул, бордир, ёз, кузи, қиши,
Ўтиб бормоқдаман баридан омон,
Билсам, бунга сабаб кўпнинг олқиши,
Сизнинг дуоингиз экан отажон.

У ота-онасининг, қариндош, дўсту ёрларининг олқиши билан кўкараётганини, омадга ошно бўлаётганини яхши билади. Шунинг учун ҳам яхшиликни яқинларидан бошлайди. Кимнинг қўли юпқароқ, кимнинг моддий томондан озгина муҳтожлиги бор, ўзи билиб ҳамиша ёрдамга шошилади. Бироқ, доимо бу ишлари камдек туюлаверади.

Қуёш ҳар куни ётоғига бош қўяр экан, ер юзидаги мавжудотларга қарата: "Менинг хизматимдан рози бўлинглар, сизларга яхши хизмат қилолдимми, йўқми рози бўлинг. Зеро, эрта яна дийдорлашиш бор-йўқлигини яратган билади" дея рози-ризочилик сўраркан. Ҳаммага баравар нурини сочиб сахийлик қилган қуёш ана шундай деркан. "Бизлар-чи?" ўйлайди Комилжон, "Қуёшнинг бир "йилт" этган заррачасичалик эл-юрт, Ватан учун яхшилик қила олаяпмизми, унга ўхшай олсак қанийди".

Назаримда, кўнглида ана шундай ўйи, саволи бор инсон ёмон одам эмас. Яхшиликни соғиниб, қидириб яшаётган инсон комиллик сўқмоқларида илдам бораётганлардан бири. Ҳадисларда айтилишича, инсон исмига монанд бўлмагунча ҳаётдан кетмас экан. Умри давомида исми жисмига мослашиб бораверакан.

Гулистондаги минглаб уддабурон, тадбиркор йигитлардан бири Комилжон Маматқулов ҳақида айтганларимиз ҳозирча шу. Комилжон яна улкан ишлар қошида турибди. Бу ҳақда эса келаси сафар.

Маматқул БОЗОРБОЕВ.

Таълим ва ислоҳот

БУНДА ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ

Бугун мактаб билан хайрлашаётган йигит-қизлар олдида ҳеч қандай муаммо йўқ. Улар ўзи хоҳлаган касбни эгаллаши учун истаган коллежига кириб ўқиши, лицейларда билимини янада чуқурлаштириши мумкин. Юртбошимизнинг ёшлар тақдирига бўлган алоҳида эътибори ва ҳукуматимизнинг уларга яратиб бераётган қулайликлари боис йигит-қизлар ҳаётдан ўзларининг муносиб ўринларини топмоқда. Уларга мамлакатимизда кейинги йилларда барпо этилган бир-биридан кўркам, замонавий ўқув муассасаларининг эшиклари ҳамиша очиқ.

Кўпчилик ғаллаоролликлар тумандаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ўқишни маъқул кўришмоқда. Шу жумладан, Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги ёшлар ҳам шу коллежни танлашаяпти. Ўтган йили фойдаланишга топширилган ва бугунги кунда 8 та мутахассислик бўйича 420 нафар ўқувчи илм олиб, ҳунар ўрганаётган бу ўқув юрти ҳақиқатдан ҳам одамнинг ҳавасини келтиради. Ундаги бир-биридан кўркам ўқув ва лингофон хоналари, компьютерлаштирилган синфлар, лабораториялар, ахборот-ресурс маркази ва спорт залини томоша қилиб, болаликка қайтгингиз, шундай кошоналарда ўқигингиз келиб қолади. 37 нафар ўқитувчини бирлаштирган педагогик жамоанинг қувончи ҳам чексиз. Ахир, бундай таълим муассасасида ишлашнинг гашти ўзгача. Нигора Ботирова, Икром Равшанов, Қизларсара Норматова, Элмира Мусина, Мардон Ҳазраткулов каби тажрибали мураббийлар айниқса, ёшлар камоли учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари эса катта самара бермоқда. Масалан, Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги коллежлар ўртасида ўтказилган "Энг яхши китобхон" минтақавий кўрик-танловида коллеж ўқувчиси Севара Мирзаева иккинчи ўринни олди. Мадина Холмуродова эса Зулфия номидаги давлат мукофотининг вилоят босқичида иштирок этишга йўлланмани қўлга киритди. Умид Абдураҳмонов билан Дилмурод Шерматовнинг "Ғаллаорол" футбол жамоаси сафида тўп сураётганлиги ёшлардаги катта қизиқиш ва интилишларни ифодалаб турибди.

Истиқлол берган имкон

«ГУЛСУМ» ИЛГАРИГА ИНТИЛМОҚДА

Тулпор азал-азалдан халқ оғзаки ижодида, эртаклару достонларда шижоат, омад тимсолида келади. «Гулсум» хусусий кичик корхонасининг рамзида ҳам юқорига интилаётган тулпор акс эттирилган. Корхонанинг фаолияти билан танишар эканмиз, яхши ният билан амалга ошаётган ишларнинг гувоҳи бўлдик.

Андижон туманидаги «Гулсум» хусусий кичик корхонаси ўз ишини 1996 йилда 5 нафар иш ўрни ва нефть маҳсулотларини сотиш билан бошлаган эди. Айни кунда корхонада 76 нафар киши хизмат қилмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сони ҳам ошган. Пойабзал ишлаб чиқариш учун резина елими, қора лак бўёғи, калиш, юмшоқ ўриндиқлар учун паралон, болалар кийимлари учун трикотаж каби 6 турдан иборат маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам ўсиб бораяпти.

Элимизда азал-азалдан яхши бир анъана бор. Қурби етган киши юртдошларининг корига ярашга ҳаракат қилади, боғ яратади, кўприк, йўл қуради, ариқ очади. Эҳсоннинг, мурувватнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Бу йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани ҳам ана шу эзгу анъаналарнинг бардавомлигини таъминлаш учун қўйилган замин десак, тўғри бўлади. Бу борада «Гулсум» корхонасининг кам таъминланган оилалар, ногиронларга, соғлиқни сақлаш ҳамда маориф соҳаларига кўрсатаётган ҳомийлик ёрдамлари эътирофга сазовордир. Масалан, Андижон туманидаги Куйганёр академик лицейи ва Избоскан туманидаги 8-махсус интернат гимназияси доимий ҳомийликка олиниб, маблағ ажратилади. Избоскан туманидаги кўчаларга 3 километр масофага асфальт ётқизилди. Ногиронлар жамиятига эшитиш мосламалари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига тиббий анжомлар сотиб олиш, кам таъминланган оилалар фарзандларининг шартнома асосида таълим олишлари ҳамда моддий ночор шароитдаги бемор инсонларни даволаш масканларига юбориш масалаларида ғамхўрлик ёрдамлари кўрсатилди.

«Гулсум» корхонасининг яна бир ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳати бор. Бу борада корхона раҳбари Тоҳиржон Толипов шундай дейди:

— Халқимизга хизмат қилиш, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш бизнинг асосий вазифамиз. Корхона қошида «Гулсум» кикбоксинг спорт клубига асос солинди. Бундан мақсад спортнинг мазкур турини ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом вояга етказиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли зарарли оқимларга кириб кетишларининг олдини олишдир. Ҳозир клубда 70 нафар йигит-қиз спорт билан шуғулланиб келмоқда.

Бу клуб ёшларнинг спорт мактабига айланган. Ўтган қисқа даврда бу ердан бир қатор моҳир спортчилар етишиб чиқди. Жумладан, Зариф Тўрабоев 2005 йилда Жаҳон чемпиони, Сардор Тўрабоев Осиё чемпиони, Одил Маҳмудов 2006 йилда Жаҳон чемпиони, жорий йилда Сойиб Искандаров, Қувонч Шукуров ва Умар Умрзоқовлар Ўзбекистон чемпионлари бўлишди.

«Гулсум» хусусий кичик корхонаси Президент совғаси учун ўтказиладиган анъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови республика босқичида иштирок этиб, ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

Нилуфар РАИМОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз ўз маърузасида давлат ва солиқ хизмати фаолиятига жиддий баҳо бериб, эришилган ютуқлар ва камчиликларни рўй-рост айтиб ўтди.

МАҚСАД – СОЛИҚ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ҚИЛИШ

Унда қўйилган масалаларни собитқадамлик билан бажариш бўйича наманган солиқчилар ҳам алоҳида тадбирлар белгилаб, унинг ижросини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Буни туманимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Маънавият машғулотларида, солиқ тўловчилар билан мулоқотларда Президентимиз томонидан белгиланган устувор йўналишлар — иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш ҳақида шарҳлар бериб боряпмиз.

Туман ҳокимлигида илмий-амалий семинар ўтказилди. Юқоридаги вазифаларнинг ижросини тўла таъминлаш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида қисқа муддатли малака оширишни ташкиллаштириш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш учун малакали кадрларни жалб этиш, Ижтимоий ҳимоя йилида кам таъминланган аҳоли қатламига моддий ёрдам беришни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Жорий йилда солиқ сиёсатини бундан-да эркинлаштириш жадал давом эттириляпти. Даромад солиғи ставкалари 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш режалаштирилган. Туманимизда жами рўйхатдан ўтган юридик корхоналар 1760 тани ташкил этади. Шундан ишлаётгани салкам 1700 та. Ўтган йилги натижалардан қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Пенсия, йўл, мактаб таълимини ривожлантириш жамғармалари бўйича белгиланган режаларни муваффақиятли уддаладик. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қароридан келиб чиқиб ўтказилган текширишлар жараёнида 5 ҳолатда назорат-касса машинасидан фойдаланилмаётганлиги аниқланди. 22 ҳолатда эса жиноят аломатлари борлиги аён бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнидаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирда тумандаги тадбиркорлик фаолияти билан машғул 100 нафарга яқин жамоа ички бозорни тўлдириш учун амалдаги қонунларга мувофиқ рўйхатдан ўтиб, низом бўйича ўз маблағи эвазига четдан маҳсулот олиб келиб, чакана савдо билан шуғулланмоқда.

Нурмирза ҲОЖИЕВ,
Уйчи туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Шаҳар кенгашларида

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан 19-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида "Келажакда ким бўлмоқчисиз?" мавзуида иншолар кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда Сабоҳат Нурмуродова ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринларга Умида Сувонова, Мафтуна Хурсандова, Суннатилла Ортиқовлар лойиқ деб топилди. Ғолибларга партиянинг вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Жуманазар АНОРОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

«Устоз-шогирдлик» анъанаси давомчилари

Пойтахтнинг «Чимбой-1" маҳалласи ҳудудида касб-ҳунар коллежи очилдию, маҳалла-кўй гавжумлашиб, бамисоли ўзгача руҳ, ўзгача кайфият кириб келди. Айниқса, эрталаб ёш ўспирин ва норасида қизларнинг шодон гурунглашиб ўтишлари, уларнинг одоби, ўзаро ҳурмат-эҳтироми кўрган кўзни қувнатади. Энг муҳими, коллеж жамоаси ва маҳалла аҳли ўртасида ниҳоятда бир меҳрли, оқибатли муносабат ўрнатилдики, бунда биринчи навбатда коллеж директори, педагогика фанлари номзоди Ҳасан Йўлдошевнинг хизматлари назарга тушди.

ҲАМ МУРАББИЙ, ҲАМ ОЛИМ

Маълумки, таълим-тарбия соҳасининг ўзига хос сирлари, мураккабликлари мавжуд. Бу касбни танлаган киши интилувчан, янгиликка чанқоқ, тиришқоқ, илм-фанни севадиган бўлсагина минглаб шогирдларнинг ҳақиқий устози даражасига кўтарила оладилар. Чунки тажрибали педагоггина ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга ўз соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб боришга улгуради. Ана шундай устоз-мураббийлар билим-тажрибаларини китобларда, илмий мақолаларда баён этиб, бошқаларни ҳам бундан баҳраманд этишдан чарчамайдилар.

Ҳасан ака бу борада ҳам касбдошлари, сафдошлари орасида кўпчиликка намуна бўла олдилар.

Ҳам устоз, ҳам мураббий, ҳам олим бўлган Ҳ. Йўлдошев устоз ва шогирд анъаналари мавзуида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, бу соҳада ўзига хос тажриба мактабини яратди. Заҳматкаш олимнинг узоқ йиллар мобайнида олиб борган илмий-амалий кузатишлари, таҳлил ва тадқиқотлари "Устоз-шогирд одоби" номли китобда мужассамлашди ва китобхонлар қўлига етиб борди. У кишининг соҳага оид ўқув-услубий ҳамда илмий-оммабоп қўлланмалари, рисолалари, миллий ҳунармандчилик машғулотлари учун тузган дастурлари ҳам янги нашрда ифодасини топди.

Бундан ташқари, муаллифнинг турли йилларда нашр этилган устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттиришга оид методик тавсиянома ва қўлланмалари, шунингдек, "Маънавий тарбия ва ривоятлардан фойдаланиш", "Кулолчилик санъати" сингари китоб ва рисолалари ҳам тасвирий санъат, миллий ҳунармандчилик соҳаси вакиллари учун бугунги кунда асосий дастурилмал бўлиб хизмат қилаётир. Устоз-наққош, ўқитувчи-рассомлар, талаба ёшлар ҳам улардан унумли фойдаланиб келмоқдалар. Айниқса, Ҳасан Юлдашевнинг 2004 йилда нашр қилинган "Устоз ва шогирд одоби" методик қўлланмасидан касб-ҳунар колежлари ва мактабларда кенг фойдаланилмоқда.

Илм-фан равнақи йўлида жонкуярлик билан иш олиб бораётган олимнинг тажриба мактабидаги ибратли ишлар бугун устозлар ва минглаб ёшлар ҳаётида ўз аксини топаётгани ҳам унинг меҳнати зое кетмаганининг исботидир. Ҳар бир устоз учун шогирдларининг камолини кўриш бахт саналади. Таъбир жоиз бўлса, устоз-шогирдлик анъаналарини давом эттириш ишида фидойилик кўрсатиб келаётган Ҳасан Юлдашевнинг бугун ҳар бир ўқув даргоҳида шогирди бор. Бундай эзгу ишларни амалга оширишида устозга йиллар давомида орттирган бой ҳаётий тажрибалари катта мадад бўлди, албатта.

Келинг, яхшиси, унинг умр йўлига бир назар ташлайлик. У Тошкент давлат педагогика институтини умумий техника фанлари ва меҳнат мутахассислиги бўйича тамомлагач, ишни лаборантликдан бошлади. Ўз ишига талабчанлиги, тиришқоқлигини кўриб, уни ҳунар-техника билим юртига ишга чақиришди. Кейинчалик бу соҳада етарлича билим орттирган тажрибали педагог Политехника касб-ҳунар коллежига директорлик қилди. Ҳозирда эса Тошкент Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежини бошқармоқда. У ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида "Устоз-шогирд одоби" анъаналаридан фойдаланишнинг илмий-услубий асослари" мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Тиниб-тинчимас олим айни пайтда "Таълим тизимида мутахассислар тайёрлашда "Устоз-шогирд анъаналаридан фойдаланиш назарияси ва методикаси" мавзуидаги илмий тадқиқотини давом эттирмоқда, шунингдек, ўзбек миллий ҳунармандчилигини ўрганиш муаммолари устида ҳам изланмоқда.

Коллеж ҳовлиси, йўлкалари, заллари байрамона безатилган. Ёш ҳунармандлар, чеварлар ўз касб маҳоратлари ила яратган бири-биридан ажиб ашёлар, жиҳозлар кўрган кўзни қувнатади. Бугун коллежда ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ҳукмрон – Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташаббуси билан "Устоз – отангдек улуғ" мавзуида тадбир ташкил этилган. Устозлар, мураббийлар, пойтахтдаги касб-ҳунар коллежлари домлалари, талабалар, маҳалла оқсоқоллари... директор Ҳасан ака Йўлдошев тиним билмайди. У киши ҳар ишда бош-қош. Ахир тадбир нафақат у кишининг суйган мавзуси, нафақат "Миллий тикланиш" чилар ўз Уставига киритган ҳикматли шиорга бағишланган, балки халқимизнинг азал-азалдан қон-қонига сингиб кетган, ўлмас миллий қадриятига айланган боқий анъанасига – устозни отадек улуғлаш туйғусига бағишланган!

Ҳасан ака Йўлдошев шу борада ҳам "Миллий тикланиш"чиларга камарбаста, ҳамфикр, ҳамкордир. Устоз мураббийнинг барча-барча саъй-ҳаракатлари эса муқаддас бир мақсадга – мамлакатимизда истиқлол йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилгандир.

Саидаҳбор БУЛАТОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор.

Сўнгги қўнғироқ

МАКТАБ ЁШЛАРНИ КЕЛАЖАККА КУЗАТДИ

Ҳар ўқув йилининг охирги кунида «Сўнгги қўнғироқ» тадбирини ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу кун битирувчи синф ўқувчилари учун, айниқса, унутилмас кундир. Улар мана шу пайтдан эътиборан келажак сари мустақил равишда одим ташлайдилар.

Кечагина биринчи қўнғироқ садолари остида мактаб остонасини ҳатлаган республикамиздаги 642 мингдан ошиқроқ 9-синф битирувчилари таълимнинг кейинги босқичига қадам қўйишса, 229 мингга яқин 11-синф битирувчилари катта ҳаётга йўлланма олишади.

Бугунги кунда юртимизда жами 9773 та таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5 миллион 700 мингга яқин ўқувчига 450327 нафар педагог ходим таълим-тарбия бермоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жорий қилингач, таълим тизимида туб бурилишлар юз берди. Ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Мамлакатимиз Президентининг бир неча фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, мамлакатимиз таълим тизимида кенг миқёсда ислоҳотлар бошланди. Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони соҳа ходимларига зарур шарт-шароитларни яратиш, таълим мазмуни ва сифатини такомиллаштириш борасида тарихий воқеа бўлди. Уни амалга ошириш учун 1 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратилаяпти.

Дастур асосида 2004-2009 йилларда республикамиз бўйича 325 та мактабнинг бинолари бузилиб, ўрнига янгилари қурилади. 2313 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 3769 та мактаб капитал ва 2069 та мактаб жорий таъмирланади.

Фармоннинг қабул қилиниши мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этишга қаратилган асосий эътибор бўлди. Натижада янги мактаб бинолари қурилиб, мавжудлари капитал реконструкция қилинаяпти ва улар замонавий ўқув ҳамда лаборатория ускуналари билан жиҳозланмоқда. Компьютер техникалари, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан бойитилаяпти. Шунингдек, таълим стандартлари ва ўқув дастурлари такомиллаштирилди. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими яратилди. Педагоглар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, қилинаётган меҳнат эътибордан четда қолмаяпти.

Биргина 2006 йилда республика бўйича жами 1329 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Жумладан, 62 та янги мактаб бинолари қурилди, 386 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса капитал, 344 та мактаб бинолари жорий таъмирланди. Бу ишларга мактаб таълими жамғармаси томонидан жами 207,7 млрд. сўм маблағ сарфланди.

2007 йилда ушбу мақсадларга Мактаб таълими жамғармаси томонидан жами 267 млрд. сўм, шу жумладан, янги қурилишга 43,4 млрд. сўм, капитал реконструкцияга 143,7 млрд. сўм, капитал таъмирлашга 68,7 млрд. сўм, жорий таъмирлашга 11,2 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, жойларда бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани билан бирга, барча таълим муассасаларининг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва спорт анжомлари билан талаб даражасида жиҳозланиши ҳам Давлат умуммиллий дастуридан алоҳида банд сифатида ўрин олган.

Умумтаълим мактабларини малакали педагоглар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Белгиланган тартибда педагогларнинг тоифалари, стажи ва биринчи навбатда таълим олиш эҳтиёжларига мос ҳолда малака ошириш курслари ташкил этилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги тизимида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ҳам кўпгина ишлар амалга ошириляпти. «Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва «Оилавий болалар уйлари тўғрисида»ги Низом лойиҳалари ишчи гуруҳлари томонидан қайта ишлаб чиқилди. Шунинг билан бирга, Меҳрибонлик уйлари ва махсус муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, 14 та махсус мактаб-интернатларини қуриш, мукаммал реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 4 млрд. сўм ажратилди.

Шерзод АХМАТОВ,
Халқ таълими вазирлиги
Ахборот хизмати ходими.

Иқтисодиётнинг устувор йўналиши

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бугунги бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнининг молиявий ҳолатини ушлаб туриш, барқарорлигини таъминлаш бўйича мунтазам чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Корхона носоғлом ишлаб чиқариш шароитида фаолият юритса, унинг келажаги инқирозга юз тутиши муқаррар. Шунинг учун ҳам доимо уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш фақатгина хўжалик юритувчи субъектларнинг ташвиши бўлиб қолмай, балки бу мақсадга давлат томонидан ҳам зарурий шарт-шароитлар яратилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги «2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида иқтисодий ночор акциядорлик жамиятларига нисбатан банкротлик механизмини фаоллаштириш таъкидланди. Шунингдек, уларни кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ҳамда рақобатбардош маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган ўрта ва узоқ муддатли инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши шарти билан хусусий инвесторларга сотиш, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замонавий менежментни жорий этишни назарда тутувчи аниқ инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бозор шароитида қандай хўжалик субъекти барқарор ҳисобланади? Барқарор корхона дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни вужудга келтирмайди, ўз маблағлари эвазига активларига қўйилган маблағ-воситаларни қоплайди ва ўз вақтида мажбуриятлари бўйича жавоб бера олади. Молиявий барқарорликни таъминлашга таъсир этувчи омилларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг мавқеи; мулкнинг ва молиявий ресурсларнинг ҳолати; харажатларнинг миқдори, таркиби ва динамикаси; тўловга лаёқатлилик даражаси; бозордаги мавқеи.

Корхонани иқтисодий барқарорлаштириш ва ривожлантириш учун экстенсив ҳамда интенсив ишлаб чиқариш йўналишларидан фойдаланиш лозим бўлади. Экстенсив имкониятлар ўзида ресурслардан фойдаланиш вақтининг ўсишини ифодалайди, интенсив имкониятлар эса фойдаланиладиган ресурслар сифатини такомиллаштиришни ўзида акс эттиради. Юқорида мулоҳаза билдирилган масалалардан келиб чиқиб, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, унинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш учун зарур бўлган баъзи таклифларни айтиш жоиз. Масалан, биринчидан, ўз маблағлари манбаларининг заҳиралари молиявий барқарорликнинг воситаси бўлгани учун корхона ўз фаолияти давомида узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланишни таъминлаши лозим.

Иккинчидан, маблағларнинг нотўғри жойлаштирилиши, уларни ўз вақтида сафарбар қилмаслик натижасида ночор молиявий аҳволга тушиб қолмаслигининг олдини олиш учун корхона инқирозга қарши бошқариш тизимида, молиявий барқарорлаштиришнинг ички механизмларининг кенг ишлатилишига катта эътибор қаратиши зарур. Рентабеллик корхоналар фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Ушбу кўрсаткичлар меъёрларини доимий равишда таҳлил этиб бориш, уларнинг меъёрий даражаларини сақлаб туриш ва тўғри бошқариш жамоанинг самарали фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этади.

Корхонанинг молиявий ва инвестиция фаолиятини жадаллаштириш бугунги кун вазифаси бўлмоғи лозим. Бунга эришиш учун эса қатор тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади. Жумладан, юқори ликвидли, бозорбоп, тез сотиладиган маҳсулотлар тайёрлаш, корхона узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиқиб ҳамкор жамоаларнинг қимматли қоғозларига сармояларни киритиш, давлат томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларга инвестиция киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, корхона мол-мулкининг, асосий воситаларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган турли носозликлар юзага келиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнида узилишларнинг юз беришига йўл қўймаслик мақсадида унинг фондларини турли хил хавфлардан суғурталаш йўлга қўйилса, инқирозга учраш ҳолатларини бартараф этиш имкониятлари кафолатланади. Шунингдек, молиявий барқарорлик даражасига тўғри баҳо бериш мақсадида таҳлилий ишларни яхши йўлга қўйиш, бошқарув ҳисобини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлаш зарур.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлашнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади.

Бобур АЛИМЖОНОВ,
Тошкент молия институти
талабаси.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Май ойининг сўнгги ўн кунлиги мактаб битирувчиларнинг байрамига айланди. Қадрдон даргоҳ, меҳрибон ўқитувчи-ю мураббийлар, бирга ўқиган синфдош дўстлар билан хайрлашувга катта ҳаёт остонасидаги ҳаяжонлар уйғунлашиб кетди. Қўнғироқ садолари ёшларни ёрқин келажак томон чорлайди.

Чиноз туманининг Кердара қишлоғидаги 140 ўринли 41- умумтаълим мактабидаги «Сўнгги қўнғироқ» тадбирига мазкур мактабнинг янги биносининг очилиш тантаналари қўшилиб кетди. А. Худойберганов раҳбарлигидаги «ПМК-33» жамоаси томонидан 3 ойда битказилиб, фойдаланишга топширилган бино қурилишига 182 миллион сўм маблағ сарфланди.

Меҳнат фахрийси Дониёр ота Бўриқулов рамзий лентани қирқиб, мактабнинг янги биносини очиб берди.

9-синф ўқувчиси Бейбит Серикбаев ва 1-синф ўқувчиси Маржон Асқарова томонидан сўнгги қўнғироқ чалинди. Тадбир ўқувчиларнинг миннатдорлик сўзлари, куй-қўшиқлар билан жуда файзли ўтди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури-амалда

ЭЛ СОҒЛИГИ — ТУМАН БОЙЛИК

— дейди Муборак тиббиёт коллежи директори Йўлдош АРСЛОНОВ

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши мулкчилик туринг ўзгаришига олиб келди. Истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлабоқ ёшларга таълим-тарбия беришни замон талабига мослаштириш тақозо қилинарди. Негаки, ҳаётимизни яхшилашга, ишлаб чиқаришни юксак даражага кўтаришга фақат етук мутахассисларгина амалий жавоб беришлари мумкин. Бу борада жойларда қандай ишлар амалга оширилаётир? Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилишида нималарга эътибор берилаяпти?

Мухбиримиз шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги Муборак тиббиёт коллежи директори Йўлдош АРСЛОНОВга мурожаат этди.

— Ватанимиз равнақини таъминлашда етук мутахассисларга эҳтиёж катта. Одамларнинг самарали ишлаши, уларнинг мазмунли турмуш кечириши, фаол яшашлари учун саломатликларини сақлаш долзарб масалалардан биридир. Айтинг-чи, тиббий хизмат курсатиш ходимларини тайёрлашда жамоангизда нималарга эътибор берилаётир?

— Аввало, шуни айтиш керакки, давр тараққиётидан орқада қолмасликни ҳисобга олиб, ёшларга энг зарур ихтисосликларни ўргатиб боришимиз шарт. Бизнинг олдимизга қўйилган вазифалар шундан иборатки, келажак ворисларимизга пухта билим бериш билан бирга, уларнинг касбларини профессионал даражада ўрганишларига кенг имконият яратиб беришдир. Шунинг учун бу ерда таълим бераётганларнинг аксарияти малакали мутахассислар бўлиб, улар кўп йиллар давомида турли касалхоналарда катта тажриба тўплаган олий тоифадаги шифокорлардир.

Ўқишга келаётган йигит-қизлар ўзлари хоҳлаган касбни эгаллашлари мумкин. Ахир, келгусида киядиган оппоқ халатга доғ туширмаслик керакда. Маънавий жиҳатдан тарбияланган, миллий қадриятларимизни эъзозлайдиган ёшларгина савобли ишларга қўл уришади. Бунга ота-боболаримиз ўтмишда қолдирган маданий меросларини чуқур ўрганиш натижасида эришса бўлади. Биз айнан шу йўлдан бораяпмиз.

— Коллежда талабалар қайси йўналишлар буйича таҳсил олишмоқда?

— Ўқув масканимиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1991 йилдаги 1015 буйруғи асосида тиббиёт билим юрти сифатида ташкил этилган. Ўшанда билим ли кадрлар тайёрлаймиз. 1740 нафар илмга чанқоқ ёшларга 90 дан ортиқ шифокор-педагоглар

касб сирларини меҳр билан ўргатишмоқда. Ўқувчилар бу ерда олган назарий билимларини устозлари назорати остида ихтисосликлари бўйича турли касалхоналарда амалиёт билан мустаҳкамламоқда. Айниқса, Б. Ширинова (ортопед-стоматолог), У. Бердиев (ҳамширалик ишлари) ўқитувчиларининг бу борадаги ишлари мақтовга арзигуликдир. Улар ёшлар билан ишлашда ҳам барчага ўрнак бўлишаяпти. Шунингдек, касб-ҳунарнинг моҳиятини англаб етишлари учун талабалар зеҳнини ўткирлаштириш мақсадида турли тадбирлар ҳам ўтказилиб турибдики, бунда Р.Чориев, К.Мамбетов, Р. Қўлдошева, Н. Султонова каби моҳир педагогларимизнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлмоқда.

— Катта ҳаёт остонасида турган ёшларимизнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун яна нима ишлар қилинаётир?

— Илмий-педагогик кенгашимизда тасдиқланган Низом асосида таълим-тарбия ишлари йўлга қуйилганини айтиб ўтишни истар эдим. Ахборот-ресурс маркази, электрон ўқув адабиётлари билан тўлиқ таъминланган кутубхона бутунлай ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган. Айтиш жоизки, 14593 та ўқув дарсликлари, 3613 та бадиий, 702 та сиёсий ва бошқа мавзудаги адабиётлар талабалар савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Узоқдан келиб ўқиётганлар мушкулини енгил қилиш мақсадида 180 ўринли ётоқхона шай қилинган. У ерда ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар яратилган. Ҳар бир хона замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Маънавият ва маърифат бурчагида даврий матбуот нашрларидан намуналар қўйилган. Бундан ташқари, вилоятдаги олий ўқув юртлари ва республиканинг бошқа турдош коллежлари талабалари ўртасида касбга доир тадбирлар ўтказилиб турибдики, бунда ёшларимизнинг билим савияларининг ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бундай ютуқлар, албатта, бизларни қувонтиради.

Эслатиб ўтмоқчиман: ушбу қутлуғ даргоҳни битирган навқирон авлод ўз мутахассисликлари бўйича турли жойларда меҳнат қилишади. Уларни устидаги оппоқ халатга доғ туширмаслик учун ҳалол меҳнат қилишга, қадриятларни авайлаб-асрашга, чуқур илм олишга ва халқимизга беминнат шифо беришда ёрдамларини аямасликка ўргатамиз.

Эл соғлиги — туман бойлик, деган гап бор. Биз бунга ширин сўз — жон озиғи иборасини қўшишни лозим топдик. Демак, ораста-лик, хушмуомала ва касбий бурчга садоқат ёшларимиз фазилатларига айланиши керак. Шунинг учун, биз — шифокор-педагоглар тиббиётга хизмат қиладиган ўрта техник ходимлар касбини ёшларга сидқидилдан ўргатишга доим тайёрмиз.

Эминжон ЮЛДОШЕВ,
«Миллий тикланиш»
мухбири. Ⓡ

Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛАР ШУ ДАРГОҲДА ВОЯГА ЕТАДИ

Жиззах туманидаги умумтаълим мактабларида 19 та спорт зали, 37 та футбол, 67 та волейбол, 57 та баскетбол, 64 та қўл тўпи майдонлари мавжуд. Шунингдек, ўтган йили лойиҳа қиймати 167 миллион сўмлик болалар спорт мажмуаси қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Тўгаракларда 12 минг нафардан ортиқ болалар спортнинг ўндан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга.

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида айни пайтда 700 га яқин ўқувчи спортнинг футбол, кураш, эркин кураш, бокс, волейбол, стол тенниси, қўл тўпи каби турлари билан шуғулланишмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ердан ўнлаб чемпионлар етишиб чиққан. Бокс бўйича тўққиз нафар спорт устаси, кураш ва эркин кураш бўйича 6 нафар спорт усталигига номзодлар шулар жумласидандир. Жаҳонгир Сувонқулов, Ўткир Соипов мазкур мактабни битириб, катта спортга йўл олган боксчилардан.

Бокс бўйича мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам, "Шуҳрат" медали соҳиби Шавкат Бадалов кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Шокир Умаров, Раҳмон Шокиров, Жасур Азимов, Йўлдош Бозоров каби мураббийларнинг шогирдлари ҳам ортиб бормоқда. З. Умрзоқов, Р. Атаев, О. Норқулов, В. Давронов, Ф. Абдуллаевлар кураш бўйича кўплаб мусобақа ва турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Туманда болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар мақтовга арзигуликдир. Ҳар ойнинг охирги шанба куни оммавий спорт куни деб эълон қилинган. Бу тадбирда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар фаол иштирок этишмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Танлов

ЭНГ КЕКСА БАХШИ

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубиёт маркази ташаббуси билан ташкил этилган бахши, шоир, оқинлар V-анъанавий кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Унда Дўстлик туманидан Эгам Абдиев, Зомин туманидан Пиримқул Хотамов, зафарободлик Қарсибек Қантўраев, мирзачўллик Нурғали Алимбековлар миллий қадриятлар тарғиботчиси сифатида танлов ғолиби деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар. Яқинда бўлиб ўтган республика босқичида эса Эгам Абдиев энг кекса бахши йўналиши бўйича совриндор бўлди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Суратда: танлов ғолиби бахши Эгам Абдиев.
Муаллиф олган сурат.

Китобингизни ўқидим

«ИЗЛАГАНИМ БИРГИНА СЎЗДИР...»

Атоқли адабиётшуносларимиздан бири шеърни шарҳлаш гўзал қизнинг кипригини санаш билан баробар, деган экан. Қандай чиройли ва мураккаб ҳолат, ёрнинг узун киприкларини адашмасдан, ҳаяжонланмай санаб бўладими?.. Демак, шеърни таҳлил қилишга уриниш ҳам худди шундай.

Яқин танишим сизга яхши китобни илинаяпман деб, Ҳумоюн (Акбаров)нинг «Кўнглим гули» деб номланган шеърий тўпламини совға қилди.

Шеър нима деган саволга инсоният яратилганидан бери жавоб излаб келади. Аслида, шеър кўнгил дарахтининг гуллаган они эмасмикан? Бу борада шоир тўпламга ном қўйиш борасида ҳам адашмаган кўринади. Умуман, Ҳумоюн ўз шеърларида кўнгилга қайта-қайта мурожаат этади.

Кўнглим излагани биргина сўздир,
Фикр-ла туйғунинг висол манзили.
Ажиб лаҳзалардан қолар шу издир,
Балки дил манзили, балки сўз йўли.

Аслида, инсоннинг борлигини англатиб турувчи восита ҳам сўз бўлса, не ажаб! Яна фикр билан туйғунинг висол манзилидан шеърнинг ҳосил бўлиши, буларнинг барчаси шоир наздида ажиб лаҳзалардан қолган гўзал изга қиёсланади.

Ҳинд юртининг осмонига соғинч тўлган,
Қушлар бўлиб кўрингайдир боққан маҳал.
Жамна мармар пойларини ўпганда ҳам,
Андижондан хабар кутар Мумтозмаҳал.
Соғинчлари юрагимни минг поралар,
Андижонда қурилмаган миноралар.

Ҳиндистонда Мирзо Бобур ва у зотнинг авлодлари томонидан бунёд этилган гўзал обидаларни кўз олдингизга келтиринг. Энди улар муҳташамлигини, виқорини йўқотгандек намоён бўлади. Соғинчнинг, мусофирчиликнинг тимсоли бўлиб туюла бошлайди. Аслида, уларни Бобур ўз юртида бунёд этмоқчи эмасмиди?.. Аммо...

Шоир буларнинг барини биргина мисрада айтмоқчи бўлади:

Мирзосини англолмаган бечоралар,
Андижонда қуролмади миноралар.

Сўзимизнинг аввалини шеър нима деган савол билан бошлаган эдик. Менимча, шеър — кулол пишитиб, тайёрлаб қўйган лойга ўхшайди. Ундан ўқувчи ўзига керакли нарсани ясаб олаверади.

Яхшиси, «Кўнглим гули»ни ўзингиз ўқиб кўринг.

Бир кун айланарман оташин шеърга,
Оҳанг қанотида бир ҳис елурман.
Дўстим, ўйларингга берай деб далда —
Юрагингга меҳмон бўлиб келурман.

Муҳаммад СИДДИҚ.

ВАТАН — САЖДАГОҲИМИЗ

Она-юртга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғусини ёш авлод онгига сингдириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун Ватан тушунчасига оид суҳбат ва учрашувлар ўтказиб туриш, савол-жавоб кечалари уюштириш кутилган самарани беради. Тошкент шаҳар ўқувчи ёшлар ижодиёти Маркази томонидан ташкил этилаётган мулоқотлар айнан шу мавзуга қаратилаётгани бежиз эмас.

— "Ватан бизнинг саждагоҳимиз" деб номланган давра суҳбатимизда юзлаб ёшлар қатнашиб, қизғин баҳс-мунозарага киришдилар, — дейди шаҳар ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати услубчиси Л. Малиновский. — Йигит-қизларнинг чинакам юртпарвар бўлиб вояга етаётганликларини ҳис этиб ғурурландик. Бу борада ёшлар билан доимий иш олиб бораётган етакчиларнинг ҳиссалари беқиёс эканини айтишим керак. Улар билан ҳамкорлигимиз ажойиб натижаларни бермоқда.

Ҳа, шаҳардаги кўплаб мактабларнинг етакчилари болалар билан ишлашда фаол, ҳаракатчан. Улар болаларнинг қизиқишлари, кундалик режалари ва келажакдаги мақсадларини билишга интиладилар, кейин шунга кўра ҳар бир бола билан алоҳида суҳбатлар ҳам ўтказадилар. Айниқса, ўқувчи ёшларнинг замонавий билимларни эгаллашдаги саъй-ҳаракати етакчилар назаридан четда қолмайди. Тадбир давомида ана шундай фаол ва ташаббускор етакчилар иштирок этишиб, уларнинг болалар билан ишлашдаги маҳорати тилга олинди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги ўқувчи ёшлар ижодиёти Маркази педагоги Муҳаббат Тўлаганова, 279-мактаб етакчиси Умид Ғафуров, 308-мактаб етакчиси Маҳбуба Нишонбоева, 241-мактаб етакчиси Барно Абдуллабековаларнинг болалар билан ишлаш жараёнидаги фидойилиги юқори баҳоланиб, улар тадбир сўнгида махсус эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ёшлар — келажагимиз.

Шундай экан, уларнинг таълим-тарбияси, қизиқишлари, изланишу мақсадлари биз учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч биримиз ука-сингилларимиз ҳаётига бепарво бўлмаслигимиз лозим.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Бир йўла уч чақалоқ

РИЗҚИ ҲАМ ЭГИЗ БЎЛСИН

Гулистон туманининг "Боёвут" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги Ирсолиевлар хонадонида яқинда уч эгизак дунёга келди.

Оиладаги фарзандлар сони бирданига олти нафарга етди, яъни уч қизалоқдан кейин бир йўла уч ўғил кўрган бахтли ота-онанинг қувончу ҳаяжони чексиз эди. Чақалоқлар ҳозир соғлом, дуркун ўсишмоқда.

Шарқона, ўзбекона одатларимизга кўра, оилада чақалоқ туғилса кексаларимиз умри билан, ризқи билан туғилган бўлсин, деб дуо қилишади. Бу гапда ҳикмат кўп. Ана шу дуолар гўдакни бало-қазолардан асраб юради.

Февраль ойининг 28-куни вилоят шифохонасининг туғруқхона бўлимида гулистонлик Шаҳринисо Ирсолиеванинг кўзи ёриди — уч эгизак ўғил дунёга келди. Халқимизда чиллали уйга кирма, деган нақл бор. Шу боис чақалоқларнинг чилласи чиқиш арафасидагина уларни йўқлаб бордик.

Чақалоқлар қишнинг сўнгги кунида туғилиб, баҳор билан юз кўришди.

— Қишлоқ врачлик пунктидаги, тумандаги шифокорларга, айниқса, вилоят туғруқхонасининг дояларига раҳмат, — дейди бахтиёр она. — Мен доимо уларнинг назоратида бўлдим. Туғруқхона шифокорларининг жонкуярлиги, ўз вақтида берган ёрдамлари билан чақалоқларимни соғ-омон қўлимга олдим. Улар ўзимнинг соғлигим учун ҳам астойдил курашишди, бир умр улардан миннатдорман.



Ҳа, туғруқ анча қийин кечди. Ахир, бир вужудда учта митти инсон ўсди, дунёга келди. Туғруқхонадан бунёд этилган гўзал обидаларни кўз олдингизга келтиринг. Энди улар муҳташамлигини, виқорини йўқотгандек намоён бўлади. Соғинчнинг, мусофирчиликнинг тимсоли бўлиб туюла бошлайди. Аслида, уларни Бобур ўз юртида бунёд этмоқчи эмасмиди?.. Аммо...

Шоир буларнинг барини биргина мисрада айтмоқчи бўлади:

Мирзосини англолмаган бечоралар,
Андижонда қуролмади миноралар.

Сўзимизнинг аввалини шеър нима деган савол билан бошлаган эдик. Менимча, шеър — кулол пишитиб, тайёрлаб қўйган лойга ўхшайди. Ундан ўқувчи ўзига керакли нарсани ясаб олаверади.

Яхшиси, «Кўнглим гули»ни ўзингиз ўқиб кўринг.

Бир кун айланарман оташин шеърга,
Оҳанг қанотида бир ҳис елурман.
Дўстим, ўйларингга берай деб далда —
Юрагингга меҳмон бўлиб келурман.

Муҳаммад СИДДИҚ.

Она-болалар туғруқхонадан келган куннинг эртасигаёқ бахтли ота — Ғайрат Ирсолиев меҳнат қиладиган "Чорвадор" фермер хўжалиги раҳбари Эргаш Ортиқбоев оилани қутлагани келди. Ферма номидан битта соғин сигирни бузоғи билан туҳфа қилди.

Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳаббат Бўронова ҳам она-болалардан хабар олгани келди. Боёвут қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Гулчеҳра Давронова чақалоқларга бириктирилган, уларнинг соғлигини мунтазам кузатиб боради.

Ўзбекона бағрикенглик, меҳр-оқибат, саховат тушунчалари ана шундай дамларда билинади. Дарвоқе, эртаси куни "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши раиси Маматқул Бозорбоев ва шу партия аъзоси Комилжон Маматқулов бир дунё совға-салом олиб, шу хонадонга чақалоқларни йўқлаб борганларини эшитиб, бунга яна бир карра ишондик.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Жаҳон ҳафта ичида

Мустақил давом эттиради

Эрон мустақил равишда 360 мегаватт қувватга эга атом электростанциясини қуришга киришади. Бу ҳақда мамлакат атом энергияси бўйича агентлик раҳбари ўринбосари Муҳаммад Саиди журналистларга маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Эрон ўн йилдан сўнг мустақил АЭСлар қура оладиган мамлакатлар клубига киради. Таъкидлаш керакки, айни пайтда Бушерда россиялик мутахассислар ёрдамида биринчи АЭСни қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Саидининг сўзларига кўра, ушбу станцияни 2008 йил март ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Сайлов куни аниқ

Исроил Кнессети (парламенти) мамлакат президентлиги учун ўтказиладиган сайлов кунини белгилади. «Франс Пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, шу йилнинг 13 июнь куни депутатлар Исроилнинг янги раҳбарини сайлашади. Мамлакатнинг амалдаги президенти Моше Кацавнинг етти йиллик муддати июль ойида ниҳоясига етади.

3 июнга қадар сайловда иштирок этишни хоҳлаган сиёсатчилар ўз номзодларини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Кузатувчиларнинг тахмин қилишича, сайловда амалдаги бош вазир ўринбосари Шимон Перес ҳам қатнашиши кутилаяпти.

Кашандалар кўпаймоқда

Россия тамаки маҳсулотлари истеъмоли бўйича дунёда биринчи ўринни эгалламоқда. Бу ҳақда журналистларга Россия Давлат Думасининг Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича қўмита раиси ўринбосари Николай Герасименко маълум қилди. Унинг қайд этишича, мазкур мамлакат ёшлар ўртасида кашандалар кўпайиб кетиши жиҳатидан ҳам биринчи ўринга чиққан. Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича эса Хитой ва АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Манбада келтирилишича, охирги ўн йил давомида сигарета ишлаб чиқариш икки баробарга кўпайган. Тамаки маҳсулотлари истеъмоли орқасидан келиб чиққан касалликлар туфайли мамлакатда йилига 250 мингдан 400 мингга яқин одам қурбон бўлмоқда.

Террорчини даволаган шифокор

АҚШ фуқароси шифокор Рафиқ Абдус Сабир «Ал-Қоида» жангарисини даволаганликда айбдор деб топилди. У террорчига ёрдам берган деб ҳисобланмоқда. Рафиқни камида 30 йиллик қамоқ жазоси кутмоқда. 2005 йил май ойида унинг уйига террорчилардан бирини касал ҳолатида олиб келишган. Рафиқ ҳар қандай одамга ёрдам қўлини чўзиш шифокорнинг бурчи эканлигини айтиб, ўзини оқламоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

КАРМАНАДА ЯНГИ БИНО

Кармана туман молия бўлими бошлиғи Ҳабиба Нарзиева институтни битириб, иш бошлаганига 27 йил бўлди. Ўтган давр мобайнида у соҳани чуқур ўрганди, эл орасида обрў-эътибор қозонди.

Бўлимда асосан ёшлар фаолият кўрсатади. Бу ерда ёш кадрларга эътибор катта бўлиб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилинади. Шу боис илгари жамоада тажриба орттирган 40 дан ортиқ ходим бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Кўҳна Кармананинг Буюк Ипак йўли бўйида қад ростлаган янги туман молия бўлими биноси ҳудудни янада ободонлаштириб юборди.

Бўлим жамоаси Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ёрдамга муҳтож 11 хонадонни оталиққа олиб, уларга ҳар томонлама ёрдам бериб келмоқда.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Бу йил оташнафас шоир, хайр-саховат, эзгулик, комиллик, адолат тарғиботчиси Бобораҳим Машраб таваллудига 367 йил тўлди. Шу муносабат билан таниқли қаламкаш туғилиб, ўсган Наманган заминида Машрабхонлик ҳафталиги ўтказилди.

МАШРАБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ

Вилоят марказидаги шоир номи билан аталадиган маданият ва истироҳат боғида Машрабнинг улкан адабий мероси, унинг ёшлар таълим-тарбиясида тутган ўрни ҳақида гапирдилар. Шоир ижодининг ҳали ўрганилмаган қирралари хусусида маъруза ўқилди. Йиғилганлар Машраб музейини томоша қилиш билан бирга, унинг ғазалларига басталанган қўшиқлар, ҳозирги Наманган адабий муҳитининг таниқли намояндалари, жумладан, ёш ижодкорларнинг мушоираларини завқ билан тинглашди.

Шунингдек, "Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Наманган давлат университетида ҳам илмий-амалий анжуман бўлди. Наманган шаҳридаги Санъат коллежида ўтказилган «Назмий наволар» номли адабий-мусиқали кеча ҳам кўтаринки руҳда ўтди. «Наврўзи ажам», «Келибдур», «Ёронлар», «Кўринг», «Кўрсат жамолинг, мастоналарга» каби қўшиқлар дилларни яйратди.

Машрабхонлик кунлари маҳаллалар, қишлоқлар, ўқув юртлари, ахборот-ресурс марказлари, кўпгина меҳнат жамоаларида ҳам бўлиб ўтди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ.

Тошкент шаҳридаги "Назокатли аёллар" маркази тугатилади. Даъволар бўйича эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилиш мумкин: 144-69-92.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Газетанинг навбатдаги сони 8 июнь куни чиқади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 1934
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

2 3 4 5 6

Босишга топширилди 21.00